O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

O'MTDP

Gazeta 1995 yil, 10 iyundan chiqa boshlagan

Milliy Tiklanish

Gazeta har oyda 2 marta sechanba kuni chiqadi

O'zbekiston Milliy tiklanish demokratik partiyasining gazetasi | 2003 yil, 25 fevral | 3 (275) son

Аср муаммолари

СИБИР СУВЛАРИ КЕРАКМИ?

Кейинги пайтларда оммавий ахборот воситаларида ва умуман мутахассислар ўртасида Сибир дарёларининг сувини Марказий Осиёга келтириш, келиши мумкин бўлган сувнинг ҳажми ва оқизиш вақтлари тўғрисида баҳслар, мунозарали фикрлар тез-тез ўртага ташланмоқда. Бу муаммо то амалга оширилмагунча ёки унга баробар бир амалий ечим топилмагунча мутахассислар ва олимларнинг кун тартибидан тушмаса керак. Чунки айрим илмий башоратларга қараганда 2020 – 2025 йилларга бориб Ўзбекистон ҳамда Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари аҳолисининг сони 1,5 барабар кўпайиши кутилмоқда. Бунинг устига Афғонистонда ҳам бу давр орасида Амударёдан сув олишнинг кўпайиши эҳтимол тутилмоқда.

Қўшимча миқдорда сув олиш Оролбўйи ерларида иқтисодий ҳамда экологик муаммоларни қандайдир тарзда бўлмасин ечишга хизмат қилиши аниқ. Масаланинг ҳаддан ташқари муҳимлиги ва молиявий томондан ҳам, ташкилий жиҳатларига кўра ҳам ҳаддан зиёд мураккаблиги дарҳол кўзга ташланади, шунинг учунми, бу муаммо собиқ совет даврида ҳам бир неча бор кўтарилиб, муҳокама этилиб, ўз ечимини топмаган эди. Ҳозирда эса бу улкан масалани ҳал этиш, унинг ечимини топиш оз деганда олтита давлатнинг зиммасига тушади. Бу масала бир неча маротаба халқаро конференцияларда ҳам ўртага ташланди. Қўшимча сув оқадиган бутун каналлар тармоқларини қуриб битказиш учун ўн беш йил вақт талаб қилинади.

Бундан йигирма йиллар муқаддам лойиҳа қоғозга туширилганда орада ҳали бирмунча вақт бор эди, эндиликда эса бундай вақт қолмади. Шунинг учун ҳам Марказий Осиё, Қозоғистон давлатлари янги вужудга келган вазият ҳамда сиёсат асосида иложи борича тезроқ бу масалада барчага мақбул бир фикрни ишлаб чиқиши заруратга айланмоқда. Оролбўйида вужудга келган ҳозирги экологик аҳвол фақат Марказий Осиё давлатларигагина дахлдор эмас, чунки бу ерда вужудга келаётган экологик буҳрон бутун ер юзининг табиати, унда бораётган жараёнларга тегишли эканлиги равшан. "Қўшнинг тинч – сен тинч; қўшнинг тинч – дунё тинч" деган кўҳна ҳикматли сўзнинг маъносини олиб қарасак, уни биз сўзлаётган масалага ҳам дахлдор эканлигини кўрамиз.

Сибир дарёларининг сувини Марказий Осиёга олиб келиш жуда кўп масалаларни унга қўшимча тарзда ҳал қилишни талаб қилади. Канал тармоқларини қуриш билан бирга янги суғориладиган ерларни тайёрлаш, эски суғориладиган жойларнинг суғориш шаҳобчаларини кенг миқёсда қайтадан қуриш, мустаҳкамлаш назарда тутилади.

Марказий Осиё ва Қозоғистон мамлакатларининг имкониятларини аниқ ҳисобга олган ҳолда келажакни кўзда тутиб, ҳозирданоқ мавжуд суғориш тармоқларининг фойдаланиш қувватини ошириш учун уларни мустаҳкамлаш ва замонавий илғор илм-фан тавсиялари асосида кенг миқёсда таъмирлаш, бор сув заҳираларидан имкон қадар тежаб-тергаб фойдаланиш жуда катта аҳамият касб этмоқда. Бугунги кунда сув заҳираларини қаердан олиш, қаерда тўплаш, қаерда, қачон, қанча самарали ишлаб чиқиш каби масалалар устида жиддий бош қотиришга тўғри келади.



Мавжуд сув заҳираларини кўздан кечириб, 1981 – 2001 йилларда Амударё ҳамда Сирдарё ҳавзаларида сувдан фойдаланишга назар ташласак, 1991 – 2001 йилларда сув кўп бўлганлигини кўрамиз. Шу йилларда сувдан фойдаланиш миқдори 15 фоизга кўпайди. Ўз сув заҳираларимизни тўла ишга солдик. Бунда сувдан фойдаланишда кўп камчиликларга йўл қўйилди, кўп тежамсизликлар кузатилди.

(Давоми 2-бетда)

СИЗНИНГ ПУЛИНГИЗ КИМНИКИ?

Буни ўқинг: КОНТРАКТ АСОСИДА ЎҚИЙДИГАН ТАЛАБАЛАР ДИҚҚАТИГА!

«МТ»нинг 2002 йил 25 октябр куни «Гулчеҳралар» газетаси билан бирга нашр қилинган қўшма сонида А. Тилашованинг «Менинг пулим кимники? Ёки стипендия баҳона даромад ғаниматми?» сарлавҳали мақоласи эълон қилинган эди. Олий таълим даргоҳларида контракт тўловининг стипендия қисмидан қоладиган қолдиқ маблағ («яхши», «ўрта» ўзлаштирувчи талабаларнинг ҳар биридан йилига 30-60 минг сўм миқдорида) ҳақида фикр юритилган мазкур мақола ва умуман контрактли ўқитиш мавзусида мулоҳаза билдирилган мактублар олдик. Газетамизнинг шу йил 14 январ сонида «Бизнинг пулимиз кимники?», «Нега қайтиб кетаяпсиз?» номли «Акс садо» рукнида берилган мактублар ҳам мухлисларимизни бефарқ қолдирмаяпти.

«Менинг пулим кимники? Ёки стипендия баҳона, даромад ғаниматми?» мақоласи юзасидан таҳририят Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига 2002 йилнинг 29 октябрида хат орқали мурожаат этди. Шу йил феврал ойида ушбу мактубга жавоб олдик ва унинг мазмуни билан танишгач, ундаги «ҳар ойда тўланадиган стипендиянинг фарқи жорий ўқув семестрида олий ўқув юртида йиғилади ва талабанинг кейинги ўқув семестри ўқиш тўловлари ҳисобига ўтказилади» жумлаларини ўқиб мамнун бўлдик. Гарчи битирувчи контрактли талабаларнинг бу тарздаги қолдиқ маблағи ҳақида жавоб хатида фикр билдирилмаган бўлса-да, бу жиҳатдан ҳам масала ижобий ҳал қилинганлигига умидландик. Қуйида мазкур хатни эълон қилар эканмиз, шартнома асосида ўқиётган талабалар у билан танишиб, ўз маблағлари тасарруфини (демак, ўтган ўқув йилида қолган қолдиқ маблағларни ҳам) зарурат туғилганда ушбу асос билан жойларда ҳисоб-китоб қилиб борадилар, деб ўйлаймиз. Шу билан бирга, контрактли ўқитиш мавзуси бундан кейин ҳам «МТ»нинг эътиборида туриши, у ҳақдаги мактублар, мақолалар бериб борилишини билдириб, ўқувчиларимизни фикр-мулоҳазага чорлаймиз. Шунингдек, саҳифамизда яна бир мухлисимизнинг шу мавзуга оид мактуби билан танишасиз.

«..КЕЙИНГИ ЎҚУВ СЕМЕСТРИ ЎҚИШ ТЎЛОВЛАРИ ҲИСОБИГА ЎТКАЗИЛАДИ»

Вазирлик жорий йилнинг 25 октябрида чоп этилган «Менинг пулим кимники ёки стипендия баҳона даромад ғаниматми?» сарлавҳали мақолани атрофлича ўрганиб чиқди. Ва ушбу мақола юзасидан сизга шуни маълум қилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 17 августидаги 344-рақамли қарорига кўра 2001 йил 1 сентябридан бошлаб ўқитиш қиймати стипендиялар базавий миқдорига нисбатан талабаларнинг ўзлаштиришига қараб 1,0; 0,75 ва 0,5 табақалаштирилган коэффицентлари жорий этилди. Ўқитиш умумий қийматига стипендия фонди ўртача стипендия миқдоридан келиб чиққан ҳолда киритилган.

Бир неча бор иш ҳақларининг ошиши муносабати билан Молия вазирлиги билан биргаликда ўқитиш харажатлари қайта кўриб чиқилди ва Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси 2002 йил 20 августдаги 5-сон баённомаси билан тасдиқланди.

Ушбу ўзгаришларга асосан 2002 йилнинг 1 сентябридан бошлаб ўқитиш қийматига стипендия миқдори 1,0 табақалаштирилган коэффициент қўлланган ҳолда киритилди. Талабанинг табақалаштирилган коэффициент кўрсаткичи 1,0 дан 0,75 ёки 0,5 га тушса, ҳар ойда тўланадиган стипендиянинг фарқи жорий ўқув семестрида олий ўқув юртида йиғилади ва талабанинг кейинги ўқув семестри ўқиш тўловлари ҳисобига ўтказилади.

Ушбу ўзгартиришлар талаба ва таълим муассасаси ўртасида тузиладиган шартномаларда ўз аксини топган.

Р. С. ҚОСИМОВ,
Вазирнинг биринчи ўринбосари

Акс садо

БУ ЁҚДА... КОНТРАКТ

Аввало мен кўплаб билимдон тенгдошларимизнинг контракт пулини тўлай олмай ўқишга кирса ҳам меҳр қўйган касбини эгаллаш имкониятини бой бериб қўяётганига ачинаман. Маърифатли аждодларимиз илм олиш учун Машриқу Мағрибни кезганлар. Шу боис Маъмун академияси чинакам донишлар уйига айланган. Агар улар моддий жиҳатдан қўллаб-қувватланмаганида тинимсиз ўқиш, китоб ёзиш, илмий тажрибалар ўтказиш, кашфиётлар яратишга имконсиз қолган бўлур эдилар.

Ҳамма замонларда ҳам талаба ёшлар тақдири бу илм-фан тақдири, маърифатнинг келажагини белгиловчи ҳисобланади.

Энди тасаввур қилинг, бир йилига зўрға контракт пулини тўлаганлар ҳам иккинчи йили 50 баробар ошиб кетган тўлов олдида ожиз, қийналиб қоладилар (300-500 минг сўм оддий хонадонни нақ ўтирғизиб қўяди-да). Бу қийинчиликда талаба кетай деса, шунча пул тўланиб бўлган, илм олгиси бор, кетмай деса мавжуд шароитга нисбатан беҳисоб, таъбир жоиз бўлса, баланд бўйли тўловга бўйлашиш маҳол. Бундай талабанинг аҳволини бир ўйлаб кўринг-а.

Ёшлар китоб ўқимайди деб кўп айтишади. Бу каби ҳолларда контракт ташвиши, кундалик зарур эҳтиёжлар турганида китоб сотиб олиш талабага осон эмас. Менимча, илм одамининг шахсий кутубхонаси бўлиши керак. **Шахсий кутубхонасиз олим олим бўлолмайди, бунга ҳар бир устозимизнинг ўзи мисол** десам фикримга сиз ҳам қўшиласиз, албатта. Ҳамма олимлар камида талабалигидан бошлаб китоб йиққан. Катта кутубхоналарда уйга бериб юборилмайдиган (ёки фақат паспортга бериладиган), лекин талабага зарур китоблар бўлади, сотувда эса уларни баъзан топиш мумкин. Ҳамманинг бўлмаса ҳам илмга чанқоқ талабанинг олгиси келади. Бу ёқда... контракт, қанча китоб сотиб олиш мумкин шу пулнинг бирор қисмига, дейсиз.

Контрактли ўқитиш ҳақида «МТ»да эълон қилинаётган бир неча баҳсли чиқишлар бундай муаммога кўпчиликнинг диққатини қаратиб, илм-фан ривожига ижобий таъсир кўрсатади деб ўйлайман. Демак, юқорида айтганимиздек, талабалар тақдири ҳақида ўйланиляпти, муаммо ўртага ташланяпти. Кўпчиликнинг фикридан тўғри хулосалар чиқади-да.

Рустам ЮСУПОВ,
талаба

УЗРО

ШУНЧАКИ...

Бир йиғин тузилди Оролга атаб,
Балки бу мингинчи ё минг биринчи.
Ким сўзлаб чарчаган,
ким тинглаб ҳорғин,
Бунда юрганмикин денгиз илинжи?

Шунчаки ўқирлар мудроқ сўзларни,
Мудраб эшитарлар йиғинжой улкан.
Гап тугамай бир-бир кетарлар эди,
Ожиз қараб қўяр сўзамол ҳакам.

Келмоқ каби кетмоқ бирдай, шунчаки,
Курсилар бўшарди ўнлаб саволдай.
Оролга аталган бу йиғилиш ҳам,
Қуриб боргандайин гўё Оролдай.

Нотиқлар сўзларди навбатни бузмай,
Йиғин ўтмоғи шарт, ажаб иш куни.
Қани, елкасидан ким олиб қўяр
Гуноҳимиз босган Орол юкини?

Балки денгизни бир ингратиб қўйди
Шунда амриқолик меҳмоннинг сўзи.
Деди: ҳар йиғинга келган ҳар киши
Бир литрдан қуйса тўларди ўзи!

Ўтди вақт, ғаниматэмас бу дамлар,
Рўйхатнома тўла мансаб, отлардан.
Шўр денгиз нимани кутмоғи мумкин
Ўз вақтини эпполмаган зотлардан?!

Денгиз десам, туби кўзгуга тушар,
Тубсиз муаммолар тортиб боради.
Ўз-ўзига чўкаётган бир шўрлик,
Елкасининг юки ортиб боради.

Биргина малҳам – сув, қўйинг сўзларни,
Ким нелар қилмади унинг қасдига.
Тангри пулсиротни қўйса бўлгудек
Тириклар ўтсин деб Орол устига!

Ҳисобсиз томчи йўқ, ёмғир ҳам раҳмат,
Ҳеч зарра ҳисобда адашиб қолмас.
Ўз кўзини намлолмаган юраклар
Қуриган денгизни тўлдира олмас!

Қани, шўр манглайинг силаб қўйса кўк,
Ёмғирлар бошингдан айланса жоним,
Юраклар чайқалса чайқалар денгиз,
Бағрингда бу юртнинг ёруғ жаҳони...

2002 йил, ноябр

СЕВИМЛИ МУХЛИСЛАРИМИЗ!

«Миллий тикланиш» газетасига келгуси ойлар учун обуна давом этмоқда. «МТ»га барча почта алоқа бўлимларида ёзилишингиз мумкин.
Нашр индекси: 158

Ҳурматли Дилдора Ҳамидова!

Сизнинг «Ўқувчи ва ўқитувчи ўртасидаги муносабатлар», «Менинг ота-онам» мавзуларидаги кўрсатувларингизни («Ёшлик» канали, «Синфдош» рукни) мароқ билан кўрдим. Ўқувчилар билан ўқитувчилар ўртасидаги баҳс, фикр алмашувларга бефарқ қарай олмадим. Уларга мен ҳам қўшилиб ғойибона баҳс қилдим, тортишдим.

Кўрсатувларингизда янги одамларни кўрдим. Баъзи устозлар кексайиб қолган, ёшлар эса энди катта ҳаёт ичига қадам қўяётган бўлсалар-да, уларнинг ҳаммалари турлича тажриба, турлича қарашларга эга бўлишларига қарамай кўзимга янги одамлар бўлиб кўриндилар. Кўз ўнгимда лоп этиб келажак гавдаланди ва ўз-ўзимга: булар келажакнинг одамлари ! — деб айтдим. Уларнинг тутилмай, эркин сўзлашлари ва энг муҳими, очиқ-ошкора фикрлашларида мен илғамаган, фақат эркин одамларга хос бўлган, фақат эркинликкина берадиган реализм одамнинг диққатини ўзига тортди.

Ўқувчиларнинг ўз ўқитувчиларига ва фарзандларнинг ота-оналарига муносабатлари у томондан ҳам, бу томондан ҳам, қаёқдан олиб қараманг, бутун бир олам. Бунда ҳар бир ўқувчи, ҳар бир фарзанднинг бир неча романлар, илмий тадқиқотларга етадиган ўз кузатувлари, таҳлиллари, хулосалари мавжуд. Кўрсатувлардан шуни уқдимки, бу муносабатлар янги ўзанга кира бошлайди, янги бир беғоён тирик денгиз долғалар ура бошлайди.

Болага уй, мактаб — энг яқин нарсалар. Улар уйдан, мактабдан кўп нарса кутадилар. Болалар ота-она, ўқитувчилар, яқинларидан кўп нарса кутадилар, Улар ҳамма нарсаларга қизиқадилар, ҳамма нарсаларни билгилари келади, Қизиқиш, билиш иштиёқи — табиий иштиёқ ва улар доим болани ўстириб, бойитиб борадилар.

Кўпгина ёшлар ота-онамиз биз билан гаплашмайди, сўраган нарсаларимизга жавоб беришмайди: «кейин-кейин...», «адангдан сўра», «онангдан сўра», «ўқитувчингдан билиб ол...», «бошимни қотирма, тур, жўна», «кўп нарса билсанг, кўп нарса ўқисанг, миянг суюлиб кетади, бор тошингни тер...» ва бошқа шу каби гаплар билан жеркишади. Бу сингари жеркишлар, суҳбатлашиш ва ҳатто сирлашишдан ўзини олиб қочишлар болани бездиради, унинг мурғак, маъсум, ташна юрагида жароҳат бўлиб, умр бўйи ўчмас из қолдиради. Албатта, ота-онанинг фарзанд кўриш, уни тарбиялаш, муносиб тарзда вояга етказишга тайёргарлиги бўлмаса, у ўз боласига нимани ҳам беради, нима деб тарбиялайди, қандай шароит яратади?

БОЛА МАСЛАҲАТ БЕРОЛМАЙДИМИ?

Йигит-қиз турмуш қураётганда энг аввало ўзига ўзи: мен бўлажак боламга нима бераман, қандай тарбиялайман, унинг тарбияси учун қандай шароит яратаман? У билан нималар ҳақида қандай гаплашаман? Яшашга, ишлашга, турмушга қандай ўргатаман? — деган саволларни бериши ва уларга тўкис-тугал, оқилона жавоблари бўлсагина, шундан сўнг турмуш қуриш тўғрисида бош қотиргани маъқул. Акс ҳолда унинг турмуш қуриш, фарзандлар орттиришга тайёргарлиги йўқ деб ҳисобланади. Тайёргарлиги йўқ одамнинг қурган турмуши маълум: ҳар қадамда муаммо, ҳар нафасда ишкал, боши-кети кўринмайдиган чигаллик, машмашалар. Булар ҳаммаси тайёргарликсиз оила қуриш туфайли бўлади. Бундай шароитда ҳамма қийналади, айниқса, болалар... «Ота-онам мени тўғри тушунганда, мен дуч келган муаммони ҳал қилиб беришганда, тақдирим бутунлай бошқача бўлар эди...» — бундай оғир армонлар одамлар орасида оз дейсизми?

Бу уйдаги туганмас муаммолардан бир шингил...

Мактабда эса... бола ўқитувчига, синфга, синфдошларга дуч келади. Шунда умумий маданий-маърифий, инсоний муҳит, ўқитувчиларнинг савияси, неча юзлаб бокира назарлар қошида ўзини қандай тутиши... ҳар томонлама аҳамиятга эга.

Ўқитувчининг совға олиши... болалардан, ота-оналардан совға кутиши бу — ақл бовар қилмайдиган нарса. Бу аслида кейин барча разолатлар, қинғайиш ва бузилишлар ўтадиган кўприк. Порахўрлик, бировнинг ҳақини ўзлаштиришдан ҳайиқмаслик, бераҳмлик ҳам шу кўприк орқали ўтади ва йўлга чиқади. Кўрсатувдаги баҳс давомида бир ўқитувчи: «таълим жараёнида моддий муносабатларга қаршиман», деб айтди. Илм олиш, таҳсил, тарбия ичига совғабозликлар, тамагирликлар, суллоҳликлар, бефаросатликлар ва ҳ.о ва ҳ.о.лар аралаша бошласа, боланинг илм ўзлаштириши, хулқи, тарбияси **унинг берадиган совғасига қараб ўлчанса, уй уйлигини, мактаб мактаблигини йўқотиб қўймайдими?**

ТВ садолари

Кўрсатувингизда ҳаётнинг, таълим-тарбиянинг муаммолари устида баҳсга, суҳбатга кираётган, мулоқотга очиқ чеҳра билан киришаётган ёшларни, янги ўқитувчиларни кўриб, кўнглим ўсди.

Кўрсатувда кимдир: нима учун биз боламиздан маслаҳат сўрамаймиз? — деб айтди.

Ростдан ҳам, нима учун?!

Наҳот болаларни шунчалар менсимасак?

Уйда, мактабда болалар қанча сўз, суҳбат, мулоқотга тортилса, уларнинг фикрлаши, сўзлаш қобилияти, мақсадини аниқ-тиниқ баён қилиши шунчалар яхшиланади. Боланинг тили мулоқотларда чиқади. Акс ҳолда жуда оддий эҳтиёжларини ҳам тузук-қуруқ, тушунтириб баён қилолмайдиган «ғалча» бўлиб қолади.

Ҳамма гап болани бўйсундириш, уни оила ёки ота-онага тобе қилишда эмас, балки унинг келажакда ким бўлишини кўзлаб ўстиришда.

«Синфдош» кўрсатувлари «нозик» масалаларни очиқ ўртага ташлаб, ёшларда янгича ёндашувлар тарбияланишига таъсир кўрсатмоқда. Шунинг учун неча юз минглаб кишилар «Синфдош»дан миннатдор.

Олижаноб ишингизда янги-янги қадамлар, изланишлар, муваффақиятлар тилаймиз.

Иброҳим ҒАФУРОВ

Партия ҳаёти

ЕХҲТ ЭЛЧИСИ БИЛАН УЧРАШУВ

Ўзбекистон «Миллий тиклаиш» демократик партияси Марказий ҳайъатининг раиси Иброҳим Ғафуров яқинда Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Тошкентдаги Маркази раҳбари, элчи Аҳмет Эрозан жанобларини унинг илтимосига кўра қабул қилди.

Дўстона вазиятда ўтган суҳбатда Ўзбекистонда кўппартиявийлик, бўлажак сайловларга бораётган тайёргарликлар, икки палатали парламент фаолиятига қўйилаётган ҳуқуқий-қонуний асослар, бу соҳаларда парламент комиссиялари олиб бораётган амалий ишлар, партиялардан номзоди илгари суриладиган кишиларга қўйиладиган талаблар ҳақида фикр алмашилди.

Элчи жаноблари ЕХҲТ билан Ўзбекистон парламенти ўртасидаги яқин ҳамкорликлар демократик, умуминсоний қадриятларнинг янада чуқур илдиз отишига ишонч билдирди.

Суҳбатда ЕХҲТнинг сиёсий маслаҳатчиси Корнелиу Мушински ҳам қатнашди.

Ўз мухбиримиздан

2-бет
ЛЎЛИНИНГ ДАРДИ НИМА?
3-бет
ЖАҲРОН КЎЗИДАГИ ЁШ
ХХ аср ва юртимиз ҳаётида юз берган ўзгаришлар ҳақида мулоҳазалар
ЎЗБЕКИСТОНДА ЎН МЕТРЛИ ОДАМЛАР ЯШАГАНМИ?
ХОМЧЎТ ёки ким бой?
4-бет

Донишмандлар меросидан

МАЪЛУМ БИР НУҚТАДА...

МАХАТМА ГАНДИ (Ҳиндистон)

«Биз жаҳонга қоида-ойиндан кўра кўпроқ адолат бергандагина, ҳокимият ва бойликнинг дабдабали намойишидан кўра кўпроқ матонат, ўз манфаатини кўзлашдан кўра кўпроқ раҳм-шафқат берганимиздагина ҳақиқий маънода маънавий бой миллатга айланамиз. Уйларимиз, саройларимиз ва ибодатгоҳларимизни ҳашаматлардан тозалаб, уларга маънавият сифатларини киритсак, фақат шундагина ўзимизни улкан милиция қўшинларини боқишга кетадиган харажатлар оғирчилигидан халос этиб, ҳар қандай ғаним кучларини улар қанча кўп бўлмасин, енгишга қодир бўламиз.

* * *

Одамларга хос нарсалар миллатларга ҳам хос. Одамлар кўп нарсани кечиришга қодир эмас. Ожизлар ҳеч қачон кечирмайдилар. Кечиримли бўлиш кучли одамларга хос.

* * *

Бошқалар нотўғри фикрлаяпти, фақат биз тўғри қиляпмиз, деб ўйлаш, биздан кўра ўзгача қарашга эга бўлган кишилар — ватан душманларидир, деб айтиш ёмон одатдир.

* * *

Дўстларим менга кўрсатадиган энг катта ҳурмат-эътибор — уларнинг менинг таълимотим изидан боришлари ёхуд башарти унга ишонмаган тақдирда охиригача унга қарши кураш олиб боришларидадир.

* * *

Азоб-уқубат ўзининг маълум бир чегарасига эга. Ақлга тўғри келадиган ва тўғри келмайдиган азоб бор, маълум бир нуқтага келгандан сўнг азобни кўтариб юравериш ақлдан эмас, ҳатто ўта кетган аҳмоқликдир.

«Барча одамлар — биродар», «Таржимайи ҳол» бобидан

СИБИР СУВЛАРИ КЕРАКМИ?

(Боши 1-бетда)

Бу масалани Амударё бўйлаб Нурекдан то Туямўйин сув омборигача олиб қарасак, 1991 йилдан 2002 йилгача олдинги ўн йилликка қараганда, нурек сув омборидан сув олиш 7 фоизга ошди, дарёнинг Керки қисмида 15 фоизга, Туямўйинда (Дарғанота) эса 27 фоизга ортди.

Нисбатан сув танқислиги рўй берган 2000 ва 2001 йиллар шуни кўрсатмоқдаки, дарё бўйлаб сувдан фойдаланувчилар уни меъёридан ортиқ ишлатганлар ва қатор ҳолларда қоидабузарликларга йўл қўйганлар. Нурек сув омборида сув ўтказиш 2000 ва 2001 йилда кейинги 5 йилни оладиган бўлсак, ўртача кўп йиллик ҳажмнинг қарийб 90 фоизини ташкил этди, Керкида эса 55 фоиз, Дарғанотада эса 50 фоизга етди.

Шундан кўриниб турибдики, юқори сув оқимининг вужудга келиш зонасида (Вахш дарёси) Амударё бўйлаб қаттиқ сув танқислиги кузатилгани йўқ. Оқимнинг вужудга келиши зонаси ва Керки сув пости билан дарё оралиғида сувнинг кескин тушиб кетиши рўй бермоқда. Бу ерда Сурхондарё вилояти, Катта Туркман канали, Қарши магистрал каналининг йирик сув олиш иншоотлари жойлашган. Дарё бўйлаб сув олиш тенглик асосида ва бир меъёрда ўтказилмади. "Амударё" сув ҳавзаси бирлашмаси ўз навбатида ўз вазифаларини адо этишнинг уддасидан чиқмади.

Ушбу масалани "Амударё сув заҳираларидан комплекс фойдаланиш ҳамда қўриқлаш схемасини аниқлаш"га доир ҳужжатнинг талаблари асосида қараладиган бўлса, ўзига тегишли сув заҳираларидан фойдаланиб тугатиш даврида 2000 ва 2001 йилларда ҳеч қандай кутилмаган воқеа рўй бергани йўқ. Чунки Амударё бўйлаб сув хўжалик баланси ва сув тақсимлаш схемаси тақчил бўлган йилга қараб тузилган ва бажарилган бўлиб, бунда суғориладиган ва сувдан фойдаланиладиган майдонлар аниқ белгилаб чиқилган. Сув танқис йил бўйича 2000 ва 2001 йилларда Нурек омборидан сув чиқариш 100 фоизга етди. Туямўйин омборига эса сув келиши 75 фоизни ташкил этди. Бу яна бир карра сув олишда тенгликка риоя этилмаганлиги, "Амударё" сув ташкилоти бўш ишлаганлигини кўрсатди.

Қўрилаётган даврда Нурек омборининг сувга тўлиши тўла ҳажмда олиб чиқилди ва ишлатилди. Ҳолбуки, шу сув кўп бўлган йиллар ичида Туямўйин сув омбори бирон маротаба ҳам 100 фоизга тўлмади. Бу ушбу сув омборларининг имкониятларидан тўла фойдалана билмаганлигини кўрсатади. Ҳолбуки, бу борада яхши тажрибалар мавжуд. 1982, 1986, 1989 йилларда сув тақчил бўлганда танқисликнинг таъсирини камайтириш учун Нурек омбори бўйича йиғиладиган сув ҳажмининг меъёридан ташқари амалга оширилган эди, худди шу нарсани сув кам бўлган 2000 ва 2001 йилларда ҳам қилиш мумкин эди.

2002 йил вегетациясининг охирида Туямўйин омборининг тўлиши 2001 йилга қараганда +4, 6 км³ни ташкил этди. Бу 1999 йилга қараганда бир ярим баробар кўп, ҳолбуки бу йилларда омборга кирган сув ҳажми ўзгармай бир даражада турди. Бу 2002 йилдаги сув тақчиллигига таъсир кўрсатди.

Амударёнинг сувини ўлчаш учун ХХ аср бошларида Керки гидропости қурилган эди. Сурхондарё, Катта Туркман канали ва Қарши магистрал канали ишга тушиши билан, Керки пости Амударё бўйлаб сув заҳираларини ўлчашдаги ўз аҳамияини йўқотди, ўтаётган сувни ўлчайдиган оддий постга айланди. Шунинг учун сув тақсимлашда тенглик ҳақида гап бўлмай қолди. Шу муносабат билан Сурхондарё вилояти сув олиш иншоотларидан юқори қисмида давлатлараро гидропост қурилишини шитоб билан бошлаш зарурати пайдо бўлди. У Амударё бўйлаб юзадаги сув заҳираларини ўлчаш, ҳисоблаш имкониятини беради.

Маълумки, Сирдарёнинг сув заҳиралари Норин ҳамда Қорадарё сувлари ҳисобига ташкил бўлади. Уларни Тоқтагул ва Андижон сув омборларини тўлдириш учун фойдаланиш масаласига келсак, юқорида айтилганидек, охирги ўн йил сув кўп бўлган йиллар эди, сувдан фойдаланиш эса бу даврда ўртача 15 фоизга ортди, шу билан бирга 2001 йил вегетациянинг бошланиш даврига Тоқтагул сув омборидаги сув ҳажми умумий фойдали ҳажмнинг 23 фоизини ташкил этди. Бу 1991 йил билан 2001 йил орасида сув заҳираларидан оқилона фойдаланилмаганлигини кўрсатади.

1986 йилги оғир сув танқислиги пайтида Токтогул омборида сув энг охирги чизиққача тушди, ундан сўнг икки йил сув сероб бўлди ва бундан сувчилар усталик билан фойдаландилар. Сув кўп келган 1987 — 1988 йилларда Токтогул омбори тўла ҳажмда тўлдирилди, натижада Сирдарёнинг суви ўз ўрнига тушди ва «Сирдарё сув схемаси»да кўрсатилган талаблар даражасига етди. Шунинг учун ҳам, Сирдарёда «сув танқислиги» деган сўзга ўрин йўқ. Фавқулодда ҳолатларгина бундан мустасно, холос. Сув танқислигини фақат ўзимиз келтириб чиқаришимиз мумкин. Оби ҳаёт заҳираларидан нооқилона тасарруф қилсаккина шундай сунъий «танқислик» туғилади.

Токтогул сув омбори иш режимининг ўзгариши натижасида кейинги ўн йил ичида новегетация даврида сув ташлаш ўртача 4,2 км³ ҳажмида ўсди, вегетация бошланган пайтда эса ўртача 3,5 км3 га камайди. Токтогул сув омбори иш режимдаги бундай ўзгаришга қарамасдан, бу масалани Сирдарё, Қорадарё, Чирчиқ ва ҳавзанинг кичик дарёлари бўйлаб қуйида жойлашган сув омборлари заҳираларидан фойдаланишни тартибга солиш ҳисобига ҳал қилса бўлади. Сув заҳираларини бундай тартибга солиш анча мураккаб иш — у сувчилар ва экологлардан қатъият билан оқилона ҳаракатларни талаб қилади. Бу каби ишлар Токтогул сув омбори иш режимини ўзгартириш билан боғлиқ ортиқча уринишларнинг олдини олиши мумкин. Бунга кетадиган харажатларни эса суғориш шаҳобчаларини таъмирлаш, зарур сув иншоотларини тиклаш, қуриш, уларга замонавий ўлчов асбоб-ускуналари, компютер тармоқларини ўрнатиш имконни туғилади.

Биз Марказий Осиёда ягона экологик майдон ва муҳитда яшаймиз. Ҳаётнинг ўзи биздан давлатлараро сув хўжалиги координация комиссияси қошидаги Илмий Тадқиқот марказининг раҳбари, профессор Виктор Духовний ҳам худди мана шундай фикрда. «Сибир сувларини олиб келиш тўғрисида»ги лойиҳа тан олиниши учун, — деб ҳисоблайди у, — бир қанча муҳим масалаларни ҳал қилиш зарур. Мисол учун ҳозирги вазиятдан келиб чиққан ҳолда, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг нархларини ҳисобга олиб туриб, лойиҳанинг ижтимоий-иқтисодий асосларини кўриб чиқишга тўғри келади». Унинг фикрича, бу лойиҳа бўйича иштирок этувчи давлатлар қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ягона бозори борасида шартлашиб олишлари зарур. Унга ташқаридан товарларнинг кириб келиши чегараланган бўлиб, олти мамлакат доирасида қишлоқ хўжалиги ўзаро маълум даражада субсидия қилиб турилмоғи даркор.

Худди шунингдек, «Амударё» ҳамда «Сирдарё» сув ҳавзалари хўжаликлари бирлашмаларига давлатлараро ташкилотлар мақомини бериш, уларнинг вазифадорлиги ва масъулиятини кучайтириш, уларга Амударё ҳамда Сирдарёдаги сув тўплаш иншоотлари тасарруфини ўтказиш зарур бўлади. Бу улкан, ўта масъулиятли ишларга янги ташкил этилган комиссия бош-қош бўлмоғи жоиздир.

Вакил ХОНЗАФАРОВ,
техника фанлари номзоди

Ўзбекистон Миллий университетида мутафаккир шоир Алишер Навоийнинг 562 йиллигига бағишлаб ўзбек филологияси факультети ўқитувчи ва талабаларининг илмий анжумани бўлиб ўтди. «Навоий ва санъат» мавзусида ўтказилган ушбу анжуманда Навоий ижодини санъатнинг қўшиқ, театр ва рассомлик жанрлари нуқтаи назаридан ҳам ўрганиш муҳим эканлиги таъкидланди. Йиғилганлар даҳо шоиримиз меросининг адабиётшунослик, санъатшунослик фанларида ҳали ёритилмаган қирралари ҳақида қизиқарли маълумотларга эга бўлдилар.

НАВОИЙГА ТАЪЗИМ

Факултет санъатшунослик бўлими талабалари ғазал ва рубоийларидан намуналар ўқиб, бу бетакрор шеъриятнинг инсон маънавий ҳаётидаги аҳамияти ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини баён этишди. Шунингдек, буюк мутафаккирнинг ўрта аср мусаввири Камолиддин Беҳзод билан устоз-шогирдлик муносабатларини акс эттирувчи саҳна кўринишини намойиш қилдилар.

Тадбирда Республика маданий-маърифий маркази раис муовини, адабиётшунос Султонмурод Олимов қатнашди ва сўзга чиқди.

Музаффар АБДУШУКУРОВ,
Ғуломжон ШАРИПОВ,
ЎзМУ талабалари

ЭЛГА ЗАРУР ИШ

Хонқа туманидаги "Мадир" қишлоғидан кичик лавҳа

Ибрат

– Бир хонадон аъзоларининг неча йиллик меҳнати билан уларнинг ҳовли-жойи бунёд бўлади. Катта бир маҳалланинг обод бўлиши ҳам шундан қиёс, назаримда.

– Обод хонадонлар билан маҳалла кўркли бўлади, – дейди "Мадир" қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Рўзмамат ака Мадаминов – Кўриб турганингиздек, қишлоғимиз шаҳар типида посёлкалаштирилган, маҳалламизда 1500 дан зиёд обод хонадон бор, десам муболаға бўлмас. Бу меҳр-оқибатлилик, биродарлик, биргаликдаги узоқ йиллик меҳнатнинг меваси. Бугун кўп таъкидланаётган ўз-ўзини бошқариш тушунчасининг маъноларидан бири ҳам ижтимоий ҳаётини ўзи қуриш, яратиш деганидир. Мадирликлар бу маънода ҳаракатчан, бир-бирини қўллаб-қувватлайдиган, маслаҳатли, фикри тез одамлар. Буни бир неча йиллик иш тажрибамда кўп кузатганман. Элга зарур бирор иш ўз вақтида қилинмаса, муаммога айланади, маҳалламиз аҳли ҳамиша ҳам ана шундай ишларни қолдирмасликка, хашар йўли билан бўлса ҳам кўплашиб ҳал қилишга интилиб келади. Издошларимиз бўлган ёшлар қанотимизда. Бу ернинг кишилари азалдан ўқимишли, маърифатли бўлган. Ҳозирда маҳалламизда 3 та кутубхона бор, китобни яхши кўрадиган ёшларимиз кўп.

Суҳбат асносида Рўзмамат ака Мадир қишлоғининг узоқ ўтмиши ва бугуни, мардона мадирликлар ҳақида ҳикоя қилувчи китобчани бераркан, "ҳамма нарса ўзингни ўрганишдан бошланади, шу сингари маҳалла ҳам", деди. Пўлат Сафоев, Ўринбой Хўжаниёзов ҳаммуаллифликда ёзган "Мадир" рисоласи 1993 йилда нашр этилибди. – Оққан дарё оқмай қолмас, деганларидек, "Мадир – оққан дарё. Рисолани ўқиб бунга амин бўлсангиз, ажабмас, – деди яна зиёли суҳбатдошимиз. – Китобчада қадимий Мадра каналидан савдо ва ҳунармандчилик маркази Мадра шаҳригача кемалар қатнагани ҳақида ҳам ёзилган.

Бу қишлоқ шундай дарёдил кишилари билан ҳам файзли, маърифат ирмоқлари, меҳр булоқлари мадирликларга ҳаёт илҳоми эканини ҳис қилади киши.

Дилором МАТКАРИМОВА

Суратларда: «Мадир» ҳаётидан лавҳалар. Юқорида: фуқаролар йиғини раиси Р. Мадаминов. Қуйида: Ёшларни иш билан таъминлаш мақсадида очилган туз қадоқлаш цехи ёш ишчилари (чапда).

Машҳур уста кулол (марҳум) Раҳимберди ота Матжоновнинг ота касбини улуғлаган фарзандлари. Одилбек қизчаси Хуршиданинг кулолчиликка меҳр қўйганидан қувонади.

Қарамасам ҳам ясайман!

Қутилмаган нигоҳ

ЛЎЛИНИНГ ДАРДИ НИМА?

Тун. Поезднинг бир маромда чайқалиши гўё аллалаётгандек кишини уйқу элитади-ю, вагон йўлагида нималарнидир бидирлаб у ёқдан-бу ёққа югуришиб юрган лўливаччалар диққатингни тортади. Поезд бекатда тўхтагач, божхона ходимлари ҳар бир йўловчининг ҳужжатлари, юкини, ён-верини диққат билан кўздан кечира бошлайди. Бундан тезроқ манзилга етишга сабри чидамаётган йўловчилар ҳорғинлашиб ҳам кўяди. Навбат лўлиларга келди.

Божхона ходимларидан бири лўлиларни гапга тутди.

— Ҳа, опалар, қаерга кетяпсизлар, ҳужжатларингиз борми? Тўрвада нима бор?

— Зиёратга кетяпмиз, ўргилай...

— Бор, бор, ҳужжат дейсанми, бошқами бор, бачам, аммо, бачам, сани кўзларингда бир ғам бор, кел фол кўрай, шугина қора кўзларга 100 сўм берсанг бўлгани.

Божхона ходимлари лўлиларнинг исқирти чиққан ҳужжатларини қўлига олгиси келмадими ёки фолдан қочдими, ишқилиб, уларнинг ёнини тезроқ тарк этди...

Ўзларининг нақлича, отабоболаридан қолган удумни бажо келтириш учун лўлилар гурас-гурас бўлиб йўлга чиқишади. Вилоятма-вилоят, шаҳару қишлоқларни кезишади. Садақа сўрашади, фол очишади, соддароқ кишилар учраб қолса, гипноз йўлига ўтиб, ўзига ишонтиради-да, гоҳо бор-йўғини шилиб ҳам қўйишади. Кишилар бундан гоҳ оғринишса ҳам улар яна келишса, эшик қоққан «меҳмон»ларни қуруқ қайтармайди, сўраса, боридан беради. Гўё бу ҳаётнинг ёзилмаган қонунига айлангандай. Қашқадарё, Самарқанд, Бухородан Хоразм вилоятига келадиган лўлиларнинг анъанавий удумларини адо этиб юриши, бизнинг ҳам вақтивақти билан садақа қилиб туришимиз балки яхшидир. Аммо, давр ҳар қадамда огоҳликни тақозо этаётган кейинги пайтларда бундай келиб-кетувчилар ҳақида чуқурроқ ўйлаб кўриш зарурати пайдо бўлгандай. Ахир, айниқса, наркобизнесменлар, турли хил террорчилар шу лўлилардан фойдаланишга уринмайди деб айтиб бўлмайди, ундайлар бехавотир нуқталарни излашади-да. Уларга чиркин ниятларини амалга оширишлари учун бу дайди лўлилар жуда қўл келиши мумкин. Чунки уларнинг ҳаддан ташқари кир-чир, жулдур бўлиб қолган кийим-кечагини текшириб ўтиришга божхонада хизмат қилаётган ёшгина йигитчаларимизнинг ҳафсалалари етавермайди. Айниса, тўда-тўда бўлиб юрган лўлилар гўдакларининг бирон жойига, шалдир-шулдир туморларига нима солиб кўйса, уларни ким ҳам текшириб ўтирарди дейсиз. Яна ким билади, қўл билан ушламагунча бир нарса деёлмаймиз. Баъзан пайдо бўлиб қоладиган ҳар хил ёт касалликлар шундай воситаларда кириб келиши эҳтимолдан ҳоли эмас, албатта. Бунинг яна бир жиҳати бордай. Бугунги иқтисодий қийинчилик даврида пул топишни, оилага ёрдам беришни ўйлаб қолган ёш болаларимиз шулардан «қилиқ» ўрганаётгандир балки. Ахир ўз ичимиздан чиққанлар ҳам тиланчилик қилаётганини, йўлимизни тўсиб чиқиб, «касалхонада ётган отасига дори учун», исириқ тутатиб пул йиғаётганини гувоҳи бўлаяпмиз-ку. Бу ҳаммамизнинг ҳам юрагимизни оғритмоқда-ку. Лекин бу иллатнинг илдизи қаердалигини ўйламаяпмиз.

Бунинг яна бир томони бор. Тўда-тўда келган лўлилар ҳеч қачон бирор меҳмонхонада туришмайди. Бирон-танинг уйини, гоҳида молхонасини ижарага олишади. Шу жойда бешта-олтита оила, эрхотин, ҳар қайсисида эса беш-олтита бола. Хуллас, 40-50 киши бир уйда ётиб туради. Уларнинг сафари тугагунча у жойда нимлар рўй беради, қандай аҳволда яшашади, тасаввур қилиш қийин.

Бизнингча, ҳар хил касалликлар кўпаяётганининг мана бундай сабабларини ҳам ўйлаб кўришимиз зарурдир. Ахир фермада ҳам молларни 5-6 тадан кўпини бир жойга кўймайди. Ваҳоланки, фермерларимиз ўз боқувидаги уй ҳайвонларини минг чандон тоза тутадилар.

Унутмайлик, улар биз билан бир давлатда яшаяптилар ва бир хил ҳуқуққа, бурчга эгадирлар. Айтишларича, бу ерга келиб жулдурвоқи кийимлар кийиб, тиланчилик қилиб кетган лўлиларнинг баъзилари юртида энг сўнгги модадаги кийимдарни кийиб, ораста рўзғор тебратиб, яхшигина лавозимларда ишлашар экан.

Ҳар бир маърифатли халқ ота-боболардан қолган урф-одатларнинг чиройли ва яхшисинигина давом қилдиради. Биз уларнинг удумларини давом қилдиришига бирор эътироз билдирмоқчи эмасмиз, бунга ҳаққимиз ҳам йўқ. Лекин, ўз элимизни, юртимизни ҳар қандай салбий оқибатларга олиб келувчи иллатлардан сақлаш ҳуқуқига эгамиз-ку.

Умид қиламизки, ушбу мақоламиз юртдошларимизни бу муаммоли мавзу устида ўйлаб кўришга ундайди. Шулар қатори уларни арзимаган пул учун ижарага қўйиб, ўз уйида турли иллатларни бошланишига сабабчи бўлаётган хонадон соҳиблари ҳам. Энг муҳими ва зарури эса божхона ходимлари ва маҳалла участка нозирларининг эътиборли бўлишидир. Дарвоқе, нафақат лўлилар, балки юртимизда юрган ҳар бир бегонанинг ҳам, юртма-юрт дайдиб юрадиган кишиларнинг ҳам қадамидан огоҳ бўлиш ҳар биримизнинг бурчимиз, деб ўйлаймиз.

Муқаддас ИСМОИЛОВА,
журналист

КЕРАКЛИ НАШРЛАР КЎПАЙСИН

«Ҳаёт» нашриёти директори Усмонжон Шукуров билан мухбиримиз суҳбати

Нашриётлар туҳфалари

— Андижонда вилоят Матбуот ва ахборот бошқармаси тасарруфидаги «Ҳаёт» нашриёти бир неча йилдан бери фаолият кўрсатади. Вилоятларда нашриётлар ўзига хос шаклланиб боряпти. «Ҳаёт»нинг фаолияти ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Ўзбекистонимиз истиқлолга эришгандан кейин ҳаётда ҳамма соҳада, жумладан, маърифий-маданий, адабий, матбаа ва ноширлик соҳаларида ҳам янгиланишлар бўлди. Вилоятлардаги нашриётлар маънавий-маърифий ишларнинг ривожланишига қанот бағишлаш, янги-янги талантларнинг юзага чиқишлари учун шароитлар яратишда муҳим аҳамият қозонмоқда.

«Ҳаёт» нашриётимиз 1998 йилнинг май ойидан иш бошлади.

Андижон вилоят ҳокимлиги, вилоят Матбуот ва ахборот бошқармаси бизни дастлабки кунларданоқ қўллаб-қувватладилар. Пойтахтимиздаги нашриётлар билан яқиндан алоқа ўрнатдик. Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, «Ёзувчи», «Ибн Сино», «Янги аср авлоди» нашриётлари, уларнинг тажрибали мутахассис-ходимлари самимий ёрдамларини аямадилар. «Андижон нашриёти» ОАЖ босмахонаси ва «Наманган» нашриёти билан доимий тажриба алмашиб турдик. Нашриёт қошида О.Холдор, Т. Низом, А. Султонов, Қ. Кенжа, З. Муҳиддинов, У. Шукуров, И. Тўлак, Ф. Усмон, К. Турдиалиевлардан иборат жамоатчилик асосида нуфузли ижодий кенгаш ва таҳрир ҳайъати ишламоқда.

Биз янги давр фидойилари ҳақида (Ф. Нуриддинова, «Адир бағридаги жаннат») ҳужжатли қисса ва лавҳалар, ёш китобхонларга манзур бўладиган (С. Исаева. «Эл севган бола», Д. Шокиров. «Асал нон») китоблар, афғон уруши фожиаларидан ҳикоя этувчи (Н. Жалолиддин, «Ўлимнинг ранги») қиссалар, ёш истеъдодлар (Хуршида. «Сиғмагай жисмим жаҳонга») тўпламларини нашрдан чиқардик. Улар ўқувчилар эътиборини тортди. Нашриёт ўз ўқувчи ва мижозларига, ўз қиёфасига эга бўлишга интила бошлади.

— Ўтган ўн бир йилнинг ибратли воқеалари яна қандай китобларда ўз аксини топди?

— Вақтга етиб юриш осон эмас. Аммо ижтимоий-маънавий соҳага хизмат қиладиган нашриёт нафақат вақтга етиб юриши зарур, балки ундан бир оз олдинроқда борса, янада яхши. Шу маънода Ўзбекистон спортига муносиб ҳисса қўшаётган Муҳаммадқодир Абдуллаев ва Ўткир Ҳайдаровлар ҳаётига бағишланган У. Шукуров ва Ҳ. Исақовларнинг «Жаҳон чемпионлари» ҳужжатли қиссаси, қардош қирғиз халқининг афсонавий қаҳрамони Манас таваллудининг 1000 йиллигига бағишланган илмий мақолалар тўплами, Имом Ал Бухорий ҳаётини акс эттирувчи «Ҳадис илмининг султони», мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида жасорат кўрсатган «кўринмас фронт фидойилари» ҳақида ҳикоя қилувчи К. Турдиалиевнинг «Тоғ маликаси» қиссаси, М. Шамситдинов ва У. Йўлчиеванинг «Жасоратнинг машаққатли йўллари», замонамиз қаҳрамонлари ҳақидаги «Осмон калити», «Чинор» каби нашрларимиз ўқувчиларда яхши таассурот қолдирди.

«Жаҳон чемпионлари» китоби 2000 йилда республикада спорт соҳасида яратилган энг яхши асар деб топилди. «Тоғ маликаси» эса ўзбек разведкачи қизлари ҳаётини ишонарли тасвирлаганлиги билан китобхонларга манзур бўлди. «Жасоратнинг машаққатли йўллари» эса Андижонда жиноятчилик ва терроризмга қарши олиб борилаётган самарали кураш ҳақида ёрқин тасаввур беради.

— Биз ўқувчи-китобхон дидини тарбиялайдиган, истиқлол нафаси уфуриб турган нашрлар кўпайсин деймиз. Мана, аста янги ёзувимизга ўтиб бормоқдамиз. Шу соҳада нашриёт қандай китоблар нашр этмоқда?

— Дастлаб ўқувчиларга ўрганиш қулай бўлиши учун илгариги ва янги ёзувларимизда китоблар нашр этдик. 2002 йилдан эса фақат янги ёзувда ҳам нашр этмоқдамиз. Ўқувчиларга «Эртаклар дунёси», «Болалар кутубхонаси», «Булоқ кўз очди», «Муаллифнинг илк китоби», «Оила сабоқлари» каби рукнларимиз маъқул бўлмоқда. «Олтин мерос» рукнидаги нашрларни ҳам китобхонлар севиб қаршиламоқдалар.

«Булоқ кўз очди» рукнидаги «Бойчечак», «Чилустун садолари», «Атиргулим», «Хаёл кўзгуси», «Қўнғироқ садоси» шеърий китобчалар, «Муаллифнинг илк китоби» рукнидаги «Қўмсаш», «Юрт соғинчи», «Сизалик келин», «Сунбула», «Самарбону» каби нашрлар адабий жамоатчилик томонидан хайрихоҳлик билан кутиб олинди.

2002 йилда чоп этилган «Болалар кутубхонаси» рукнидаги «Уч марта ҳосил берадиган дарахт» ҳамда академик шоир Ғафур Ғулом таваллудининг 100 йиллигига бағишланган «Билиб қўйки, сени Ватан кутади», «Қувонч» номли китобчаларимиз ёш китобхонларга ажойиб совға бўлди.

— Нашриёт режалари ҳақида ҳам билсак бўладими?

— Албатта. «Ҳаёт» нашриёти 2003 йилда Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзо таваллудига 520 йил тўлиши муносабати билан «Бобур Мирзо севган қишлоқ», «Андижон таърифида» китобларини, Ғафур Ғулом таваллудининг 100 йиллигига бағишлаб «Ғафур Ғулом ва Андижон» ҳамда устознинг ёшларга бағишланган шеърлари жамланган «Йигитларга» номли тўпламларни, «Андижон адиблари», «Навоий танбеҳлари», «Жомий ва Навоий мактублари» каби бир қатор китобларни нашрга тайёрламоқда. Бундан ташқари, режамизда андижонлик ижодкорлар асарлари, тарих ва қадриятлардан сўзловчи нашрлар ҳам навбатда турибди.

— Суҳбатингиз учун раҳмат.

— Сизга ҳам ташаккур.

ЖАЙРОН КЎЗИДАГИ ЁШ

XX аср ва юртимиз ҳайвонот оламида юз берган ўзгаришлар ҳақида мулоҳазалар

Табиат ва биз

Юртимизнинг ҳайвонот олами ҳозирги кунда ҳам бой ва турли-тумандир. Ўрта Осиёдаги каби Ўзбекистон ҳудудида ҳам жами 700 га

Қора лайлак

яқин жонивор яшайди (уларнинг 153 таси сут эмизувчи, 460 таси қушлар, 9 таси судралиб юрувчи, 2 таси амфибия, 60 дан ортиғи балиқ турларидир). Бу турларнинг табиатда учрашига қараб, айримлари "Қизил китоб" саҳифасидан ҳам жой олган. Она-табиатни, хусусан, бу жониворларни муҳофаза қилиш ҳақида Конституциямизнинг 55-моддасида алоҳида қайд этиб ўтилган.

Аммо, барибир инсоният озмиқўпми табиатга таъсир қилади ва шу туфайли кўпинча ўзи билмаган ҳолда табиатдаги бир қанча жониворларнинг яшаш муҳитларини издан чиқаради ва кўплаб турлар сонининг камайишига, айрим турларнинг эса бутунлай йўқолишига сабабчи бўлиб қолади. Масалан, XX асрнинг биринчи ярмида Ўзбекистонда яшаган Турон йўлбарси, сиртлон каби ҳайвонлар йўқолиб кетган бўлса, Бухоро буғуси, қулон, жайрон каби жониворлар ҳозирда табиий шароитларда яшамайди. Улар фақат қўриқхоналарда сақланмоқда ва кўпайтирилмоқда. "Қизил китоб"да номи киритилган Қор қоплони, Сибир эчкиси, Севернов қўйи каби бир қанча жониворларни ҳам ҳаёти йўқолиш хавфи остида қолаётир. Қушлардан йўрға тувалоқ ва қора лайлаклар тақдири ҳақида ҳам шундай фикрни айтишимиз мумкин.

Албатта, Республика табиатни қўриқлаш жамияти, Давлат бионазорат ташкилоти, илмий корхоналар бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун сайъ-ҳаракатлар қилаётир. Имкон қадар тегишли чоралар кўрилмоқда.

Она тибиатимиз ҳайвонот оламини бойитиш мақсадида мутасадди корхоналар бошқа минтақалардан турли жониворларни юртимиз табиатига иқлимлаштириш билан шуғулланганлар. Масалан, 1950 – 60 йилларда Америка қитъасидан норка, нутрия, ондатра каби мўйнали ҳайвонлар олиб келиниб, республикамизда иқлимлаштирилган. Булардан норка ва нутрия сунъий шароитларда боқиб кўпайтирилган бўлса, ондатра табиий шароитларда қўйиб юборилган. Ондатра Сирдарё ўзанига алоқадор бўлган ҳамма сув ҳавзаларида жуда тез тарқалиб, тоғ дарёларигача, ҳатто Тошкент каби катта шаҳарлар ичидаги каналларда учрай бошлади. 1965 – 70 йилларда улар сони максимал даражага етди. Ондатра умуман безиён жонивор, фақат сув ўтлари – қамишлар билан овқатланганлиги учун республикамизда ўзига яхши макон топиб, тез кўпаядиган турга айланди (у йилига 2 –. 3 марта болалайди). Ҳаж-



Қор қоплони

ми ўз ватанидагига нисбатан катта ва мўйнаси жуда сифатли бўлиб чиқди. Биздаги ондатра мўйнаси жаҳон бозорида сифатли мўйналар қаторидан жой олди.

Бошқа минтақалардан келган жониворлар ичида фаунамизга тасодифан келиб қолган тур ҳам учрайди, бу – кулранг каламушдир. У 1947 йилда Америкадан бизга ёрдам сифатида юборилган ғалла билан биргга контейнерларда келиб қолган. Тез вақт ичида бу кулранг каламуш бизда кенг тарқалган Туркистон каламушини табиатдан сиқиб чиқарди, шаҳарларда фақат ўзи қолди. Туркистон каламуши эса ҳозирда тоғли ҳудудлардагина сақланиб қолган.

1960 – 65 йилларга келиб кулранг каламуш шундай кўпайиб кетдики, у ҳамма шаҳар ва қишлоқларнинг дон сақланадиган жой, ертўла ва подвалларида яшай бошлади. Кексаларнинг айтишларича, ўша йиллари дала шийпонларида бешикда ётган болаларнинг қулоқ-бурнини каламуш кемириб кетгани ҳақида миш-мишлар ҳам бўлган.

Бир-икки йил аввал Фарғона водийсида улар сони ошиб кетиб, аҳолига зиён келтираётгани, дала экинларини пайҳон қилаётгани, ҳатто айрим хонадонларда сигир-бузоқларнинг оёқ-туёқларини кемириб кетганлиги ҳақида маълумотлар пайдо бўлди. Каламушлар доим дон, ғалла, озиқ-овқат омборларида яшайди, бундай жойларда эса заҳарли дориларни ишлатиш мумкин эмаслигидан уларга қарши курашиш қийин кечмоқда.

Албатта, иқлимлаштириш амалиёти қушлар, балиқларга нисбатан ҳам қўлланилган. Она-табиатимизда ажойиб бир қуш бор, бу қирғовулдир. Бизда унинг Сирдарё қирғовули тури мавжуд. 1960 йилларда уларнинг сони кескин камайиб кетган ва овчилар жамияти Қирғизистондан шу қирғовулга ўхшаш, яшаш шароити ҳам тўғри келадиган юзлаб тўқмоқ қирғовулини келтириб қўйиб юборишган. Кейинчалик бундан табиатда икки тур чатишиб гибрид ҳосил бўлди деган баъзи шубҳалар ҳам пайдо бўлган эди. Аммо уни аниқлаш учун зарур генетик тажрибалар, хромосомалар текширувлари ўтказилмаган. Лекин келтирилган қушлар Сирдарёнинг фақат ўрта оқими атрофидаги тўқайларга қўйиб юборилганлигини, ҳам аввалги қирғовуллар сони кўп бўлганини эътиборга олсак, ерлик қирғовул устун келиб, балки гибрид ҳосил бўлмагандир дейиш мумкин.

Ўтган асримизда табиатимиз 2 та янги қуш тури билан бойиди. Биринчиси афғон майнаси бўлиб, у ҳақда "Олақанот тазйиқи" ("МТ", 2002 йил, 25 октябр сони) номли мақоламизда муфассал тўхталиб ўтган эдик. Иккинчиси, кабутарлар туркумининг мусичалар оиласига кирувчи қумри деган қуш бўлиб, у 1990 йилларда Тошкент шаҳрига жанубдан кириб келди ва ҳозирги кунда асосан Тошкент вилоятининг ҳамма жойларида эркин кўпайиб яшамоқда. Қумри мусичалар каби табиатда мутлақо зарарсиз қуш. Шу билан бирга, очиқ ҳолда сақланадиган ёки сочилиб ётган донларни ҳам истеъмол қилади. Бўйнидаги қора ҳалқаси унинг мусичадан фарқли белгисидир.

1950 – 60 йилларда балиқлар устида ҳам кўплаб иқлимлаштириш ишлари олиб борилди. Жами 40 турга яқин балиқ республикамиз сув ҳавзаларига иқлимлаштирилган бўлса, ҳозирги кунда уларнинг 27 таси яшамоқда. шулардан 10 таси тасодифий тарзда, яъни бошқа балиқлар қаторида келиб қолган. Иқлимлаштирилган балиқлар ичида Америка, Хитой, Қора денгиз бўйи мамлакатларидан келтирилганлари бор, бу маънода уларнинг географияси жуда катта. Балиқларни оммавий тарзда бундай иқлимлаштиришнинг маълум сабаблари бор эди. Собиқ совет даврида давлат томонидан гўшт ҳамда балиқ маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтиришга қаратилган махсус тадбирлар ишлаб чиқилган эди. Ҳамма совхоз ва колхозларда балиқчилик ҳовузлари ташкил этилди. Ҳатто ҳар ҳафтани пайшанба куни балиқ куни деб эълон қилинган, ҳамма шаҳар ошхоналарида ўша куни фақат балиқ таомлари пишириларди.

Янги сунъий сув ҳавзаларида боқиш учун махсус келтирилган дўнг пешона, оқ амур ва бошқа балиқлар орасида тасодифан келган балиқлардан бири илонбалиқ ҳисобланади. Илонбалиқ республикамиз сув ҳавзаларида, оқар сувларида ҳам

Бухоро буғуси — хонгул

кенг тарқалиб ҳозирги кунда асосий овланадиган балиқлар қаторидан жой олган. Албатта, бу келтирилган турларнинг ўсувчанлиги, катталиги талаб ва эҳтиёжга мос эди. Дейлик, дўнгпешона – толстолобик балиғининг катталиги Сирдарё ўзанида 40 килогача, оқ амур – 15 – 20, илонбалиқ эса 30 килогача борган. Табиийки, ҳар бир ана шундай иқлимлаштирилган балиқлар ҳам табиий биоценозларда муҳим ўрин тутади.

Балиқ турлари ичида ҳам "Қизил китоб"да қайд қилинганлари бўлиб, шулардан Амударё ва Сирдарё кўракбурун балиғи йўқолиш хавфи остида эканлигини айтиб ўтиш жоиз.

Демак, XX асрнинг иккинчи ярмида юртимизнинг ҳайвонот оламида 4 та тур мутлақо йўқолиб, табиатимизда 62 та жонивор жиддий муҳофазаталаб бўлса, асосан балиқлар ҳисобига 33 та янги тур билан бойигани эса қувонарлидир.

Энди шундай савол туғилиши мумкин: нега бундай ўзгаришлар 1950 йиллардан кейин содир бўлди? Бунинг сабаби битта ва оддий, яъни инсон қуролланди дейиш мумкин. Ватан урушидан кейин республикамизга қурол тилини биладиган русларнинг келиши бирдан кўпайди. Уларнинг кўпчилиги ва улар қаторида ўзбеклар ҳам урушда қурол ишлатишни ўрганиб қайтган эди. Табиатдаги турли жониворларни ҳамма жойда ҳам овлаш оммавийлашди. Шу билан бирга, ўша пайтда илм-фан тараққиёти учун давлат томонидан жуда катта маблағ ажратилди. Ёввойи табиатни ўрганиш, табиат бойликларини излаш учун минглаб экспедициялар ташкил қилинди. Шубҳасиз, ҳар бир экспедиция аъзолари албатта ҳар хил ов қуроллари билан таъминланган эди.

Овчилик инспекцияси журналларининг саҳифаларини варақласангиз, ҳайвонларни машиналарда, вертолётларда қувлаб, ов қилаётган браконерлар ҳақида қайд этилган кўплаб ҳужжатларга кўзингиз тушади. Бу каби ҳолатларнинг ҳаммаси ноёб ҳайвонлар сонининг камайишига олиб келди.

Бугунги кунда олимларимиз ҳайвонот оламини ўрганиш, уни ҳимоя қилиш ва бойитиш, ундан оқилона фойдаланиш режалари устида ишламоқдалар. Зеро,Конституциямизнинг 55-моддасида айтилганидек, "Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий заҳиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир".

Абдулла АЮПОВ,
доцент

Газетамизнинг шу йил 14 январ сонида Ш. Кўнчи ва А. Мавлонийларнинг «Байрамлар кўпайиб кетди-ёв!» сарлавҳали мақоласи эълон қилинган эди. Унда байрамларнинг дам олиш куни деб белгиланиши, умуман, дам олиш кунлари ва иш вақти ўртасидаги боғлиқлик ҳақида фикр юритилган, мавжуд байрамларнинг ҳаммасини ҳам дам олиш куни қилиш шарт эмас деган мулоҳазани билдирган эдилар.

Қуйидаги чиқишлар мазкур мақолага муносабат тарзида ёзилган. Мухлисларимизнинг бу мавзудаги мулоҳазалари билан кейинги сонларимизда яна танишасиз.

БАЙРАМ – УМУММИЛЛАТ БИРЛИГИ РАМЗИ

Акс садо

Байрам – одамзотнинг бу ёруғ оламни ақл ва руҳ ёрдамида ҳис эта бошлаган бир даврида пайдо бўлган маданий ҳодисадир. Уни инсонларнинг илк бор якдил бўлиб, муайян воқеликка нисбатан умумий муносабатлари ва қараши рамзи ҳам дейиш мумкин. Чунки бир йил давомида нишонланадиган турли байрамлар моҳиятида ёши, ижтимоий мавқеи қандайлигидан қатъий назар, одамларнинг умумий эзгу нияти, мақсади, шод-ҳуррамлиги акс этган бўлади.

Кишилар орасида "байрам кайфияти" деган тушунча бежиз пайдо бўлмаган. Ҳаёт кечириш жараёнида инсон фақат меҳнат қилиш, илм-ҳунар билан шуғулланиш, тирикчилик ўтказиш каби фаолиятлар билан машғул бўлиб умргузаронлик қилмаган. Одамлар жамоа бўлиб яшаш анъанаси вужудга келган пайтлардан бошлаб, ўзининг илк маданий-оммавий тадбирлари – байрамларини кашф этган. Буни этнограф археолог, тарихшунос ва фолклоршунос олимлар изланишлари ҳам тасдиқлайди.

Демак, инсоният тарихини байрамларсиз тасаввур этиш қийин. Ҳар қандай тузум, ижтимоий-иқтисодий шароитда байрамлар ўтказиб келинган, бу маданий ҳодиса анъанага айланиб қолган. Бинобарин, байрамлар даврлар ўтиши билан такомиллашиб, замон руҳига мослашиб боради. Ундаги инсоният умумий маънавиятига мос бўлмай қолган жиҳатлари барҳам топиб, замон руҳига мос анъаналари бойийди.

Ўзбек байрамлари ҳам инсоният умумбашарий маданиятининг бир қисми сифатида бизгача етиб келган. Байрамлар мавзуи, шакли ва ўтказилиш даражаси қандайлигидан қатъи назар, халқимизнинг ўтмиши билан боғлиқ энг гўзал қадриятларини, миллий анъаналарини ўзида сақлаб келаётган маданий ҳодисадир. Улар ўзбек халқини умуммиллат тараққиёти йўлида бирлаштириш, ҳамжиҳат бўлиб меҳнат қилиш, оммавий шод-ҳуррамлик қилиб, ижтимоий бўш вақтни сарфлаш сингари эзгуликка хизмат қилади. Одамлар ўзларининг ҳаёт кечириш йўлларини бир лаҳзалик байрам орқали таҳлил қилиши, келажакдаги вазифаларини режалаштириб олишларида байрам муҳим аҳамият касб этади.

Айниқса, истиқлолимиз даврида нишонланаётган байрамлар аввало эл-юртимизни жаҳонга танитишда ўзига хос восита каби бўлса, иккинчидан, халқнинг буюк келажак сари умумий интилишини жамлаб миллий руҳни сўндирмаслик, энг гўзал анъаналаримизни замонга мутаносиб давом эттиришда ўзига хос тарбия мактаби бўлиб хизмат қилмоқда.

Жаҳондаги ҳар томонлама ривожланган давлатлар тажрибаларидан ҳам кўринадики, қайси мамлакатда халқ байрамлари қанчалик кўп нишонланса, ўша халқда иқтисодий-маданий юксалиш, демократия ва адолатпарварлик юксалган. Чунончи, Францияда биринчи христиан дини билан боғлиқ байрамларнинг сони ўн бешдан ошди.

"Миллий тикланиш" газетасида эълон қилинган "Байрамлар кўпайиб кетди-ёв!" номли мақола муаллифларининг юртимизда нишонланаётган байрамлар ҳақида ҳадиксирашлари, бизнингча, ноўрин ҳолдир. Зеро, байрамлар бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш жараёнида одамларнинг руҳини кўтариб, уларда умуммиллат бирдамлигини мустаҳкамлаши, жамиятда содир бўлаётган янгиликларга нисбатан муносабат уйғотиши, омма учун зарарли бўлган нарса ва ҳодисаларни инкор этиши, энг муҳими, яшашдан мақсад нима эканини қалбдан англашига маънан ёрдам беради.

Яна шуни таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда ўтказилаётган байрамлар сони бошқа халқларникига нисбатан кам. Албатта, бошқа мамлакатлар тажрибасидан ўрганиб, байрамларни яна ҳам мазмунли, оммабоп, байналмилал ва санъат турлари билан бойитиб бориш мақсадга мувофиқдир, деб ўйлаймиз.

Саиджон АЛИМОВ, Алижон АЗИЗОВ,
ЎзМУ доцентлари

ШАРҚ САЙЛЛАРИ

Байрамлар тарихига назар ташлар эканмиз, уларнинг инсон маънавий олами ва она табиатимиздаги ўзгаришлар билан боғланиб кетганлигини кузатамиз.

Ҳар бир фаслга мос, яъни эрта баҳорда меҳнат мавсумига кириш ҳамда ёзда ҳосилни йиғиштиришдан аввал, кузда ҳосил йиғилгандан сўнг ва қишда, айниқса, далалар уйқуга кетган вақтда уюштириладиган мавсумий ва меҳнат билан боғлиқ маросим ва байрамлар кенг нишонланиб келган.

Мавсумий байрамлар орасида гўзалликнинг қадрига етиш, ундан завқланиш замирида юзага келган баҳор билан боғлиқлари анча оммалашган бўлиб, улар орасида "Наврўз", "Гул сайллари" (бу сайллар турли вилоятларда турлича аталган, жумладан, "Лола сайли" (Қўқон, Тошкент, Исфара), "Қизил гул сайли" (Фарғона, Бухоро, Хоразм), "Сумбула сайли" (Чуст, Денов) анча кенг тарқалган эди. Шунингдек, "Беҳи гули сайли" (Самарқанд), "Бойчечак гулгардони" (Зарафшон водийси), "Гулгардони булбулхон" (Бухоро) каби байрам сайллари ҳам уюштирилган. Айниқса "Наврўз" халқ орасида энг катта байрам саналган.

Мавсумий байрамлар орасида йил фаслларига бағишланган "Сув сайли", "Дарвешона", "Қум сайли" сингарилари ҳам бўлиб, улар турли вилоятларда ўзига хос шакл ва анъаналар билан ўтказилган. Жумладан, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларининг лалмикор ерларида истиқомат қилувчи аҳоли ўртасида қуруқ келган йиллар ёмғир чақириш мақсадида ташкил қилинган "Суст хотин" маросими ўзига хос ташкил этилган. Меҳнат байрамларининг ҳам мавсумга кўра қатор турлари ("Ерга уруғ қадаш" – бу маросимлар турли жойда турлича – "Шоҳ мой", "Экин сайли", "Қўш оши" каби аталган), "Ҳосил байрами", "Узум сайли", "Қовун сайли", "Хирмон тўйи") кенг тарқалган бўлиб, уларнинг баъзилари мавсум бошланишидан аввал, бошқалари мавсум сўнггида нишонланган. Масалан, деҳқонларнинг ерга уруғ қадашлари муносабати билан ўтказиладиган махсус маросимлари "Далага қўш чиқариш", "Шоҳ мой", "Экин сайли", "Қўш оши" мавсум бошида нишонланган. Халқ ҳаётида алоҳида ўрин тутган диний байрамлар орасида "Қурбон хайит", "Рамазон ҳайит", "Пайғамбар ёши", "Биби сешанба" айниқса кенг тарқалган. Қадим тарихга эга бўлиб, йилда бир марта нишонланадиган "Қурбон хайит" ва "Рамазон ҳайит"ининг ўтказилиш вақти йилнинг турли даврига тўғри келса-да, уларни нишонлашда шакллланган анъаналар деярли ўзгармаган.

Инсон ҳаёти ва фаолиятининг турли жиҳатлари билан боғлиқ бўлган оилавий маиший байрамлар ("Бешик тўйи", "Соч олиш", "Биринчи қадам", "Суннат тўй", "Мучал тўй", "Никоҳ тўй" ва б.)нинг ҳар бири турли вилоятларда ўзига хос услубда нишонланган бўлса-да, улардан кўзланган асосий мақсад қариндош-уруғчиликни мустаҳкамлаш, шунингдек, инсонларда борлиққа эстетик муносабатни шакллантириш, ҳаётга умид билан қарашдан иборатдир. Ушбу байрамларнинг ҳар бирига хос удум ва урф-одатлар шакллланган бўлиб, улар фолклор асарлари куй, қўшиқ, айтимлар жўрлигида ўйин-кулгу билан нишонланган.

XX аср бошида Туркистонда ўзининг кенг қамровли фаолиятини бошлаган жадидлар оқими, мамлакатни маърифат сари етаклар экан, санъатни ўзига хос минбар сифатида кўрдилар. Бадиий-оммавий тадбирлардан халқнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётидаги муаммоларни кўрсатиш, ўз ғояларини тарғиб қилишда фойдаланишга интилдилар.

XX аср бошида пайдо бўлган "Шарқ кечалари" том маънода мана шу мақсадга йўналтирилди. "Шарқ кечалари" оммавий театрлашган томошалар шаклида бўлиб, улар аксар холларда маълум бир мавзу доирасида ташкил этилиб, халқ сайлига уланиб кетарди. Жадидлар "Шарқ кечалари" орқали халқни илм-маърифатга етаклаш, ўз қадриятларига ҳурмат руҳини шакллантиришни мақсад қилгани боис, дастлаб улар маърифий характер касб этган, кейинчалик сиёсий мавзулар етакчи ўрин тутган.

1918 – 20 йилларда болшевиклар раҳбариятининг маданият ва санъат соҳасида ўтказаётган сиёсатининг синфий моҳияти яққол намоён бўла бошлади. Албатта бу байрамлар ва тадбирларда ўз ифодасини топди. Ушбу пайдо бўлган театрлаштирилган агитсудлар ҳукумат манфаатларига бўйсундирилди. Уларда ҳам ўтмиш қораланди, совет тузуми улуғланди. Асрлар давомида шакллланиб, халқ томонидан нишонланиб келинаётган қатор анъанавий байрамлар астасекинлик билан халқ ҳаётидан сиқиб чиқарила бошланди. 20-йиллар охири, 30-йиллар бошларига келиб эса уларга нисбатан аёвсиз кураш бошланди.

Собиқ иттифоқ даврида сиёсий байрамлар қаторига янгилари келиб қўшилди. Улар орасида 8 Март халқаро хотин қизлар байрами, 18 март халқаро Париж коммунаси куни, 9 Май ғалаба байрами, шунингдек, доҳий таваллуди, Иттифоқдош республикалар ташкил этилган кунлар кабилар бор эди. Шунингдек, қардош республикалар дўстлик декадалари, олимпиада, уларда эришилган ютуқларни намойиш этишга ҳам катта эътибор қаратилди. Анъанавий меҳнат байрамлари қаторидан "Касблар куни" ҳам ўрин олди. Маълум соҳа ходимлари байрамлари, шунингдек, "Ишчи ва колхозчилар сафига қабул қилиш", "Биринчи маош", "Авлодлар учрашуви", "Ўроқ ва болға иттифоқи" каби меҳнат байрамлари ҳам пайдо бўлди. Қатор анъанавий байрамлар замон талабларидан келиб чиқиб янгича тус олди. Жумладан, қир адирларда уюштириладиган табиат байрамлари ташкилотчилар имкониятлари ва аҳоли талабларидан келиб чиқиб маданият ва истироҳат боғларида уюштирила бошланди. Шу маънода 50-йиллар охирларидан бошлаб деярли барча вилоятларда ўтказилиб келинадиган "Гул байрамлари" характерлидир. Бу байрамларда гуллар ва манзарали ўсимликлар кўргазмалари, конкурслар, моҳир гулчи ва боғбонлар билан учрашувлар, бадиий ҳаваскорларнинг чиқишлари, викториналар, конкурслар, мусиқий дастурлар намойиш этилган.

Янги моҳият касб этган байрамлар сирасига диний мазмундаги "Пайғамбар ёши"ни киритиш мумкин. Янги даврга келиб ушбу байрам ҳам замонавий мазмун касб этди ва юбилей байрами сифатида нишонлана бошлади. "Мучал тўйи" ҳам шу сифатларни олди. "Наврўз", "Меҳржон", "Дарвешона" каби халқ байрамларини ўтказиш бутунлай таъқиқланиб, улар ўрнига "Навбаҳор", "Ҳосил байрами" сингари янгиларини тадбиқ этишга интилинди.

Қатор байрамлар тақдиридаги бу каби ўзгаришларга қарамай, уларнинг аксари ўз хусусиятларини сақлаган ҳолда халқ хотирасида яшаб, баъзан ошкора, баъзан пинҳона ҳолда нишонланиб келинди. Баъзи бир байрамларда асрлар мобайнида шакллланган анъаналар аксар ўз моҳиятини сақлаб қолган бўлса-да, аср давомида уларни нишонлашда ҳам баъзи бир ўзгаришлар пайдо бўлди. Жумладан, "Рамазон ҳайит" ва "Қурбон ҳайит"ларда кейинги даврга келиб мотам элементлари кучайди, ўтганлар ҳаққига 3 кун дастурхон ёзиб кўчада кутиш ҳолатлари пайдо бўлди, ортиқча сарф-харажатларга асосланган меҳмондорчиликлар кўпайди.

Тарихий ва ахлоқий қадриятларни тиклаш йўлидаги саъй-ҳаракатлар натижасида XX аср сўнггига келиб, Ўзбекистонда анъанавий байрам ва халқ томошаларига эътибор кучайди. Айниқса истиқлол қўлга киритилгач, халқ анъаналари ва қадриятларини тиклаш баробарида бу йўлдаги саъй-ҳаракатлар янада кенг қулоч ёйди. Натижада, халқ хотирасидан вақтинча кўтарилган байрамлар қайта тикланиб, уларнинг баъзилари ҳатто, давлат миқёсида нишонлана бошланди.

Янги даврдаги байрам томошаларини асосан икки гуруҳга – анъанавий нишонланадиган байрам томошалари (Наврўз ва Мустақиллик байрамлари), шунингдек, юбилейлар ва маълум бир тадбирлар (масалан, буюк давлат арбоблари, саркардалар ва алломалар юбилейлари, Бухоро, Хива ва Термиз шаҳарларининг 2500 йиллиги, "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали, "Алпомиш" достонининг 1000 йиллиги, "Авесто"нинг 2700 йиллиги) доирасида ўтказиладиган театрлашган томошаларга бўлиш мумкин. Ушбу байрамлар муносабати билан пойтахтда, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида алоҳида театрлаштирилган дастурлар тайёрлаш ҳам анъанага айланди.

XX асрда байрамлар халқ ҳаётининг ажралмас қисми сифатида ўз анъаналари ва хусусиятларини сақлаган ҳолда нишонланиб келинди. Гарчи байрам томошаларининг шакл ва мазмуни бир текис кечмаган бўлса-да, аср сўнггига келиб, жамият ҳаётида уларга эътиборнинг кучайганлиги Ўзбекистон байрамларининг эртанги куни ҳақида илиқ фикрлар уйғотади. Жуда кўпдан-кўп халқона байрамларимизнинг ҳар бирини дам олиш куни қилиб бўлмайди, албатта, бунга эҳтиёж ҳам йўқ. Муҳими, улар руҳий кўтаринкилик бағишлайди, кишиларни бир-бирига яқинлаштиради.

Дилфуза РАҲМАТУЛЛАЕВА, санъатшунос

Одамийлик фани

ЭЛГА ЯХШИЛИК ҚИЛГАН — БАХТИЁР

Илгариги бой-бойваччалар борасида гап кетганда аллома Ғафур Ғуломнинг бир гаплари, ўгитлари ёдимга тушади. Аллома Кадиобод маҳалласида яшаган пайтларида маҳалладаги собиқ бой-бойваччалар билан дўсту қадрдон эдилар. Улар ила гап ердилар, улфатчилик қилардилар. Талабалик йиллари миямиз, онгимиз марксизм-ленинизм оғуси ила заҳарлангани сабаб шоирнинг бойваччалар билан ошнолиги менга эриш туюларди. Бир куни шаккоклик қилиб Ғафур акадан бойваччаларга бўлган самимийлик сабабини сўрадим. Алломанинг қуйидаги жавоблари ҳамон эсимда: «Сенлар ҳали ёш, ғўрсанлар, кўп нарсаларни билмайсанлар, шу боис шаккоклик ҳам қиласанлар. Шуни билиб қўйки, аксарият бой-бойваччалар идрокли, ақл-заковатли, фаҳм-фаросатли, инсоф-диёнатли, меҳр-мурувватли бўлганлар. Ақлсиз, уқувсиз, нодон ва дангасадан бой-боён чиқмайди. Албатта, шоли курмаксиз бўлмагандек, улар ичида молпараст, зиқна қурумсоқлар ва ноинсофлари бўлган. Бундайлар совет замонида қулоқ бўлган, авахтага ташланган ва мол-мулки мусодара этилган. Бу жиҳатдан Кадиоддаги бойваччаларни худо сақлаган. Чунки, улар камбағалпарвар, маърифатпарвар бўлганлар. Етим-есирларнинг бошини силаганлар, мухтожларга ош-нон берганлар, мактаблар, мадрасалар, масжидлар, йўл, кўприклар қурганлар. Оқил ва одил бўлганликлари боис, барча мол-мулкларини, ер-сувларини советларга топшириб, омон қолганлар. Ғафур ака маҳалламиздаги собиқ бой-боёнлар таъриф-тавсифини қилар эканлар, менинг бобом бўлмиш Зуннунбой ҳақида илиқ, самимий гапларни айтардилар. Ғафур ака бувамларни ҳам ота ўрнида ҳам маърифатпарвар донишманд сифатида ҳурмат қилардилар. Зуннунбой бобом эса Ғафур акани мақтаб, кўп дилкаш, қувноқ ва билимдон йигит-да, дердилар. Улар ўртасида ўзаро мулоқотлар, суҳбатлар, баҳсу мунозаралар бўлиб турарди, кўпинча, бувам Ғафур акадан Фузулий, Навоий ва Бедил шеърларини ўқиб беришни сўрардилар. Ғафур ака ёддан ўқиб бобомни хушнуд қилардилар. Ўз навбатида бувам ўз бисотларидаги қадимги қўлёзмаларни шоирга кўзкўз қилар, улардан қиссалар ўқиб берардилар.

Тошкент даҳаларида ҳам Кадиобод маҳалласида бўлганидек бой-бойваччалар кўп бўлган, албатта. Уларнинг аксарияти хайру саховатли, қўли очиқ, ҳимматли бўлганлар. Айни пайтда уларнинг ичида маърифатпарварлиги, илм-билимга ўч бўлганлиги билан ном чиқарганлари ҳам бўлган. Улар муллалар, домлалар, шоиру-ёзувчилар, санъат, адабиёт ва маданият шайдоларига кўмаклик, ҳомийлик қилганлар. Ана шундай бойлардан бири Шайхонтаҳур даҳасида истиқомат қилган Мамаюсуф Муҳаммадюсуф бойвачча бўлганлар. Бу зот асли қўқонлик. Оталари Абдурасулбой Қўқон саройида баобрў амалдор бўлиб, Худоёрхоннинг ишончли, яқин кишиларидан эканлар. Баъзи масалаларда оддий халқнинг ёнини олганлари ва адолатпешалик қилганликлари учун хон бу зотни қувғин этиб, ҳатто қатл этишга жазм этган экан. Хон қаҳрига учраган Абдурасулбой оиласи билан Тошкентга қочиб келиб, бу ерда жон сақлаб, макон қурган. Ўзлари ва ўғиллари — Мамаюсуф тошкентлик бой-бойваччалар билан яқинлашиб, дўсту ёрлар орттирганлар, бора-бора шаҳарнинг энг нуфузли, обрў-эътиборли кишилари бўлганлар. Абдурасулбойнинг Юсуфбойваччадан ташқари яна Ғафур бойвачча, Шокир бойвачча исмли ўғиллари бўлган. Гарчанд, уларнинг дўконлари ва мол-мулклари бўлса-да, Мамаюсуф бойвачча укаларига ҳамиша ҳомийлик қилган, уларга моддий ёрдам бериб турган. Абдурасулбойнинг Қўқонда ҳам, Тошкентда ҳам кўп мол-мулки, ер-сувлари, дўкону расталари бўлиб, бой вафотидан сўнг катта ўғил Мамаюсуф бойваччага қолган.

Мамаюсуфбой табиатан саховатли, серҳиммат ва қўли очиқ бойлардан бўлиб, камбағалларга, муҳтожларга ҳамиша ёрдам бераркан. Юсуфбой домла, мударрислар тарбиясини олиб, яхши савод чиқарган. Бой хонадонида шаҳарнинг илғор кишилари, адиблари, ёзувчилар, шоирлар ва маърифат мухлислари тез-тез йиғилиб турганлар. Юсуфбой уларга ҳомийлик қилган, кўмак бериб турган. Бошқа бой-боёнларни ҳам илм-маърифатга, зиёлиларни қўллаб-қўлтиқлашга ундаган. Баъзи маълумотларга кўра, бой уйида Ҳамза Ҳакимзода ҳам бир неча вақт яшаган.

Юсуфбой, Зокиржон Фурқат билан дўсту қадрдон бўлган. Тошкентда Фурқат кўпинча бой уйида меҳмон бўлган.

Бой амалдорлар ёрдамида шаҳарда янги мактаблар очган, илм-фанни тарғиб-ташвиқ этган.

Фурқат мусофирчиликда Муқимийга ёзган мактубида Тошкент аҳлига миннатдорчилик билдиради:

Ризоман Тошканд одамларидан,
Сўрар ҳолим фақиру ағниёлар
Мақомим мадрасаи Шайхонтоҳурда,
Эрур улфат неча мамнун алолар.

Шоир айниқса, тошкентлик ёру-биродарларини соғинади:

Аё боди сабо, оллоҳ учун тур,
Ўзингни Тошканд шаҳрига еткур.
Зиёрат айлагил аввал бусоғин,
Кириб андин кейин ўпгил аёғин.

Бу шеърда шоир тошкентлик қирққа яқин ёру-биродарларини миннатдорчилик ила тилга олади. Уларга соғинч саломини йўллайди. Фурқат ўз шеърида Мамаюсуфбойваччага алоҳида миннатдорчилик билдириб, бойнинг қиёматлик дўст эканлигини алоҳида таъкидлайди:

Юсуфбойвачча ҳовлисида андин,
Бориб еткур дуо албатта мандин.
Қиёматлик биродардур менга ул,
Ҳар ишда ёру ёвардур менга ул...

Юсуфбой укалари бўлмиш Ғафур, Шокирбойваччалар ҳам ака этагини тутиб, саховат ва маърифат йўлидан бордилар.

Мамаюсуфбойнинг ўғилларининг бари жаҳон урушида қатнашдилар. Уч ўғил — Мўмин, Наби ва Фаттоҳлар урушдан ногирон бўлиб қайтдилар. Улар давлат ишларида узоқ вақт хизмат қилдилар. Бу уч ўғил оталари сингари маърифатпарвар инсон эдилар. Юсуфбойнинг Шокир ва Ғофурбой укалари ҳам ўзларидан сўнг муносиб ворислар қолдирдилар. Улар ичида Ғофур Раҳимов катта бобоси Юсуфбойга тортди. У ёшликданоқ савдо-тижорат ва тадбиркорлик билан шуғулланди. Ўз ақл-заковати, зукколиги, мустаҳкам иродаси билан тезда катта тадбиркорга айланди. Ғофур Раҳимов боболари сингари хайру эҳсон йўлидан бориб, етим-есирларга ҳомийлик қилиб келмоқда. У ўз маблағи ҳисобидан «Меҳржон» аталмиш восийлик жамғармасини ташкил этди. Бу жамғарма шаҳар ва республикадаги етим-есир уйларини озиқ-овқат, кийим-кечаклар билан таъминлаб келмоқда. Ғофур Раҳимов Анапа шаҳридаги «Металлург» санаторийсини таъмирлаб, болалар санаторийсига айлантирди. Ўзбекистонлик етим-ёсир болалар ҳар йили бу санаторийда даволанмоқдалар.

Мустақил Ўзбекистонда Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббус ва саъйи-ҳаракатлари туфайли ривож олаётган спортнинг барча турларига Ғафур Раҳимов қўлдан келганча мадад кўрсатиб келмоқда.

Ғафур Раҳимов халқаро бокс ассоциацияси ижроия қўмитасининг аъзолигига ҳамда Осиё Олимпия Кенгашига вице-президент этиб сайланган. «Труд» газетасининг мухбири Ғафур Раҳимовга бир қизиқ савол берган эди. У, «тадбиркорлик, савдо-тижорат ишлари бошингиздан ошиб-тошиб кетган бир пайтда, спорт ишлари билан бош қотирясиз. Бунинг сабаби нимада?» Ғафур Раҳимов бу саволга шундай жавоб берган эди: «Биз соғлом авлодни ўстиришимиз керак. Бизнинг йигит-қизларимиз соғлом, бақувват, мард ва жасур бўлишлари лозим. Бунинг учун улар спорт билан ҳамиша шуғулланишлари даркордир. Биз спорт мактабларини, базаларни ва майдончаларини кўпайтириб оммавий спортни ривожлантиришимиз керак. Ўзбек спортчиларининг довруғи, шон-шуҳрати бутун жаҳонга тарқалишини истаймиз».

Давлатимиз олиб бораётган катта изчил сиёсатдан, ҳамиятли фуқароларнинг сидқидил саъйи-ҳаракатларидан ажабмаски, Ўзбекистон яқин ўн-ўн беш йил ичида катта спорт мамлакатига айланажак.

Фатхулла АБДУЛЛАЕВ

ЧЎПИЙ ДОМЛАНИНГ «ОЛДИ-ҚОЧДИ» ТУРУНГЛАРИ

УЗРО ХОМЧЎТ ёки ким бой?

Қизиқбола деганча борсан-да. Сенга бир гапни аввал ёзма ва ё ёзсанг ҳам бевақт юборма экан. Порахўрнинг туғилишини қулоғингга айтаман десам, порабитикни газетгача даври достон қилиб қўйибсану. Имижимида битирадиган бир-икки ишларимга акси урмай турсами девдим-да.

Майли, ҳечқиси йўқ. Илло, кўзи қўлга қараб ўрганган шу поракаш зотлар газет ўқирмиди, дейсан?! Унақаларга газетда қарнай чалсанг ҳам қулоғига кирмасу аммо локин пулнинг шиқирлашини оп-осон эшитади, ээ шиқирламасаям эшитади! Ҳидидан сезади, ҳидидан. Бунда масофанинг узоқ-яқини асло фарқланилмайди, мен сенга айтсам.

"Шиқир-шиқир" овози
Пул денгизу "қуруқ"дир.
Масофанинг фарқи йўқ,
Мудом яхши қуйруқдир.

Овозига ҳам, ҳидига ҳам, у ҳақда имижимида айтилган гапга ҳам порахўр дегани жигар-бағридан эриб кетаверади. Айниқса, "кўк"ининг ҳиди ўткиридан эс-ҳушиниям шартта кесади.

Эл иши қанча кўп бўлса,
Пул ирмоғи шунча оқар.
Поракасалга, айниқса,
"Кўк денгиз" суви хуш ёқар.

Сўрай кўрма, фақат бергин,
Ҳолингни қўй, бир гап бўлар.
Бир латифада айтгандек
Қўй, ахийри бўкиб ўлар...

Ахли машойих "пулжон бўлса, гулжон тайёр" деб бежиз айтмаган. Қараб турсам, одамни хурсанд қилиб пулларнинг ҳам тури кўпайгандан кўпайиб кетяпти. Бозор ишида бирдан икки, иккидан уч яхши-да. Локин Қизиқболагинам, сен ўзимиздансан, яъни эл қатори дегандай. Ҳар пулга кўнглинг кетавермасин. Илло, аҳли фуқародан эканинг боис, ҳар турдан бўлса-бўлмаса, чўнтагингда ош бермаса ҳам нон берадиган туридан топилиб турсин. Тағин қизикболалигинг тутиб поракаш зотларнинг минг турлик пойгаи "отчопар"ина кўпам қизиқиб қолма. Уларга фақат қўли кўкка етадиган ўзларибоп поракашлару "кўк денгиз"дан чиқмайдиган ҳалиги "мапийўз"лар бас келадур, ўзим сенга айтсам. Қолаверса, ҳисобсиз "кўквой"ларнинг ҳам ерда бўлмаса кўкда чўт қоқиб ҳисоблагувчилари бўлғай. Бильакс, поракашлар ҳисобда адашиб кетадилар-да. Шунақа, ер-кўк билан қўшилишиб ҳисоблашмаса бўлмайди. Бунақа ҳисобда кунига нечта чўт синиб увол кетсаям, ажаб эмас. Айтмоқчи, ҳисоб дегандай, гипнўзми, "куфсуф" дейдими, кўринмас одам бўладирган қирранг бор деб эшитаман, ростданми? Менга керак қирра экан-да шу! Магар бу мишмиш рост бўлса, айни шу қиррабоп бир иш бор, иним. Яъни, жуда бўлмаганда, ўзимиззи бор поракаш "мапийўз"ларнинг бор пулини бир бошдан охиригача хомчўт қилиб чиқсангми дейман. Майли, сўнг ўзини бўлмаса ҳам ҳисобини менга келтирсанг-а. Ана ундан кейин икковлашиб аҳли фуқарога бу ҳисобни бўлиб кўрардик, нима дединг? Ҳадеб бошни қотирадиган муаммо деган шу бемаъни сўзнинг элда "м"сиям қолмасдиёв! Эл ҳам қутуларди, эломон ҳам. Қарабсанки, фасли баҳор олдидан олам гулистон бўларди-қўярди. Бу ёғи, айни "илик узди" пайтида бундай "иликли" хомчўтга нима етсин. Айтгандай, ёшинг нечада эди, иликни биласанми ўзи? Нондан қолсанг ҳам иликдан қолма, деган мақолни эшиганмисан? Ўшал қиррангни ишга солиб го-го иликли дастурхонларга ҳам қўл узатиб тур. Бильакс, шундай пурҳикмат мақолаларнинг ҳам фарқига бормайдиган бўлиб қоласан, иним. Иликни билмаган ўзбек ўзбекми? Бу ёғи, нима кўп — элда ҳикмат кўп, дегандай. Локин сенга айтсам, шундай бебаҳо хазинада пора ҳақидагиси саноқлигинага ўхшайди. Ота-бобомиз порани билмаганми дейманов. Ё билсаям урчитмаганмикин. Чапанисига "пора берганнинг ҳам, олганнинг ҳам юзи қаро" дегану бу қора чаплагич тарафга буткул юз бурмай қўя қолишган кўринади. Илло:

Тамагирлик энг ёмон дарду
балолардин бири,
"Тўйдим" деб айтмас бу дардга
мубталолардин бири,
Гар Амир Темур қўлиға тушса
не бўлғай эди
Пора бирла ваҳ бизим "юзи қаролар"
дин бири?!.

Жа оширвордим-а, кел, шу кейинги икки мисрани илҳом борида замонавийроқ қилиб қўяйлик, уйғунлашиб кетади:

Ё этик, ё йўлкира кетгай деб пул
санар эдим,
Ўтди оқ "Нексия"да "юзи қаролар"дин
бири.

Абдулло Қаҳҳор бувангнинг "Ўғри" ҳикоясини ўқибмидинг, ўқиган эсанг мана бу хулоса байтнинг мағзини филҳол чақасан:

Ваҳ алар қўлга эмас, алар қўлига эл
тушар,
Ёт ҳўкизинг бирла, дер Қобил
боболардин бири!

Ана кўрдингми, магар ўшал пайтда инсоф бирла ҳўкиз топилганида, ўрис "оғанг" "ука"сининг устига босар-тусар қилиб келса ҳам оғилхонасигача киролмасди! Бунга ўзим кафил. Жуда бўлмаса, олдига ҳўкизни қўйворишарди-да! Ана, ҳўкиз ҳам кафил. Демак, ҳаммаси ё инсофнинг ва ё ҳўкизнинг йўқолишидан бошланган, сенга айтсам. Икки ўртада ҳўкиз кимга насиб бўлди?! Айтмоқчи, ҳўкиз дегандай, сен ҳам талабасан, мабодо кўнтрактга ўқиётганинг йўқмиди? Ҳўкиз, йўқе, ҳўкизларнинг ёнига қопағон ит боғлаб қўйишганми, ишқилиб? Бир йилу икки ҳўкиз, шундайми? 4 йиллик бакалавр битгунча 8 та буқа, а, буқалавр бўп кет-ей! Ҳисобда адашмадикми? Майли, бу ҳақда бошқа сафар гаплашармиз.

Ишқилиб, буларнинг устига эл қатори "қуруғи"дан ҳам узатмасанг бўлди. Гап-сўзингга қараганда унақага ўхшамайди. Чўпий домланинг ёнида юриб порасиз иш битирмак сир-асрорини пухтасидан ўрганавер. Шунда иш ҳам ғиринг демай битади, ўз пулинг ҳам ўз чўнтагингда ғирингламай туради, бўлса албатта! Илло, **бу билан эрта-индин аҳли порахўр биттага камаяди ва ё биттага кўпаймайди.** Бунга сен кафил. Ўқишни битирсанг, сен ҳам бир куни иш битирар жойда ўтириб қоларсан, ахир. Ишқилиб, **сенга ўхшаганлар ўзидан кўпайса, порахўрлар ўзидан камаяверади.** Ҳозирча пора бўлганнинг айтими будир:

Пул тиғи ўткир бўлар,
Кесмайдиган жойи йўқ,
Ҳидини айтмайсизми,
Эсмайдиган жойи йўқ.

Порахўр — иш калитинг,
Қулфи дилини пойла.
Ўтмас пичоқни отвор,
Қинига "кўквой" жойла.

Билмай қоларсан, ишинг
Қандай тўғри бўлганин.
Порасиз ҳам билмассан
Қай тарз эгри бўлганин...

Шунақа, "тўғрилаб-эгрилаб" ўтириш ҳам "олди-берди" деган бир бозордир. Пора эса мол, бозор тилидаги "биринчи қўл", "иккинчи қўл" ва ҳоказо "...инчи қўл" деган иборалар бунда ҳам асқотади. Шу боис қўл эгаларини бирини кўрсанг, бирини кўрмайсан, қўл иши-да, баъзан қўлқоп ишиям бўп кетади-ей. Билмасдан ўз устидан ўзига шикоят ҳам қилиб қолишлари эҳтимолдан ҳоли эмас. Тўғри-да, қаёқдан билсин, ёзиб қўймаган бўлса, ўзи эшиттириб бир пул сўрамаса. Иши битмаганидан билади, дейсанми? Э, бунга баҳона бисёр, ёзмасидан дейсанми, оғзакисиданми, ўзига керагини топади. Битадиган йўлдан юрсанг, сенга керагиниям топаверади.

Гоҳ у қўлга, гоҳ бу қўлга
Чопавериб ичим пишди.
Не қиларим билмай қолдим,
Ўзи ишим кимга тушди?!

Ва ё аҳли порахўрда
Фақат қўл бору юрак йўқ.
Бир ёзувчи айтганидай
"Ҳамон ҳўкиздан дарак йўқ!..

Майли, хатим ҳам битмаган ишдай чўзилиб кетди. Лекин, ҳалиги хомчўтни зинҳор эсингдан чиқарма, хўпми? Ажабмас, қўш

«Чўпий почтаси»дан

ҳўкизнинг бирини уйга атаб, жужуқ жиянчаларингга "буниси илик" десанг. Иккинчиси ҳам "энди бизга рухсат" деб оғилхонадан чиқиб кетмайди, албатта. Оғилхона кўпаймаса ҳам ҳовли-жой биттага ортса, ўзингга яхши, иним. Шу газет деганида 10 – 20 йил ишлаб ҳалиям ижарадори билан бир уйда оғайнилашиб қолганлар камми? Қават-қават уйликлар ҳисобда адашиб юрган бир пайтда, пул пачкалагандай қаватлаб кетаверади-ей. Вуй сани ўғри ақлингданай! Хуллас, қиррангни бекор қўйма. Ё бу хосиятли қирраи каромат Чўпий домланингми эди?

Энди Қизиқболагинам, шу жойга келганда "Қизиқнома"дан ҳам бир чимдим ташлаб юборай-а. Аввалида бир қатори элдан, бир қатори мендан бўлган мақоллардан эшит:

"Қизиқнома"дан
Ётиб еганга тоғ чидамас,
Олиб турганга – Орол.
**
Солим-солимга туз чидамас,
Олим-олимга – ҳўкиз.
**
Еган оғиз уялар
... ютгунча.
Берган худога ёқибди,
... пора эмас, садақа.

КИМ БОЙ?

Ёки тушимми-ўнгимми

Пора олиб бойиган бир пулдор эл пулини ўзлаштириб бойиган пулдорга деди:

– Кеча ғалати туш кўрдим. Тушимда жами бойларнинг саноғини тузишаётганмиш. Лекин мени "Бойлар дафтари"га киритишмади. "Сен меҳнатдан эмас, пора олиб бойигансан" деб, "Порахўрлар дафтари"га ёзиб қўйишди. Тушимми – ўнгимми дебман.

– Ажабо, тушимда кеча мен ҳам "Ўғрилар дафтари"дан жой олдим, – деди иккинчиси. – "Ўзим ишламасам ҳам ақлимни ишлатиб бойиганман, десам, "Ўғрида ҳам ақл борлигини биламиз, ўша ақлингни ҳалолга ишлатиш керак эди дейишди. Яхшиям тушимиз экан-а.

Дуойи салом билан:
КАТТАҚИЗИҚ



Изоҳга ҳожат йўқ

Б. Тожиев чизган сурат

Афсонами, ҳақиқат?

ЎЗБЕКИСТОНДА ЎН МЕТРЛИ ОДАМЛАР ЯШАГАНМИ?

Босиб ўтган тарихий ўтмишимизга қарасак, одам пайдо бўлганидан буён ўзининг кимлиги, дунёга келиши, умргузаронлик қилиши, ўз наслида такрорланиб фоний дунёга кетишининг мазмун-моҳиятини тушунишга ҳаракат қилган. Биз киммиз, одам қачон пайдо бўлган? Ҳанузгача бу саволлар кўпгина авлодларни қизиқтириб, изланишга, илм ва маърифатга, маънавий қадриятларга мурожаат этишга даъват этиб келган. Бу ҳақда кўплаб тахминлар муҳокама этилган, беҳисоб рисолалар ёзилган.

Бундай изланишлар, натижасида турли фикрлар, тахминлар пайдо бўлиб, шулар ичида хусусан арийлар ирқининг келиб чиқиши, уларнинг жисмоний ва руҳий сифатлари бўйича улар бағишланган бешинчи ирқ деб ҳисобланганлиги тарихда аниқдир. Хўш, уларнинг келиб чиқиш тарихига оид бизга нималар маълум?

Инсоният тарихини ўрганишга бутун умрини бахш этган Елена Блаватская одамнинг пайдо бўлиши, ривожланиши ҳақидаги рисолаларида «атлантлар» тўғрисида кўпгина маълумотларни тўплаб келтирган. Жумладан улар шундай таърифланган:

«**Атлантлар** — баланд бўйли, фикр қувватини идора қилувчи одамлар бўлиб, ўзларини «ярим худо» деб ҳис этганлар. Уларнинг яшаш макони — **Атлантида** бўлган.

Оламни яратган Оллоҳни тан олмаганликлари учун бутун бир **Атлантида** барча жонзотлари билан чўктирилган. Бу — уларга нисбатан Худонинг жазоси эди»...

Албатта, булар тахминий фикрлар; атлантларнинг дунё юзида яшаганликлари бирор бир тарихий воқелик, ёки аниқ далиллар билан тадқиқотчи олимлар томонидан ҳали илмий исботлаб берилмаган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ватанимиз тарихида, хотирасида Ўзбекистон диёридан чиққан олиму-фузалолар инсоният ривожланишига иқтидори, илмий даражоти доирасида улкан ҳисса қўшганлар эъзозланиб келинмоқда.

Шундан экан — инсоннинг келиб чиқиши муаммоси, унинг онги тараққиёти, дунёнинг маънавий ва илмий заҳирасини бойитилиши билан боғлиқ муҳим масалалар, албатта улуғ зотларни бефарқ қолдирмаган.

Азиз газетхон! Сизнинг диққатингизни Ўзбекистонда **атлантлар** изи бормикан? — деган саволга қаратмоқчиман.

Сиздан ўринли жавоб бўлиши мумкин: бунинг учун қандай асослар бор?

Айтадиганим — асос эмас, балки сизни қизиқтирадиган тахминдир.

Бухоро вилоятининг Когон туманида бир қабр бор. Бу қабрда ҳазрат Ҳожи Каҳбул Ахбор дафн этилган. Бу инсон авлиё сифат бўлиб, «ахборот олувчи ва ахборот берувчи»лик вазифасини бажарган.

Ҳожи Каҳбул Ахборнинг ҳаёти ва фаолияти араб олимлари Вайс Хирмоний ва Саъдулло Хирмонийларнинг «Манақиби Ҳожи Каҳбул Ахбор вали» рисоласида баён этилиб, жумладан, шундай дейилган: «У 4444 йил яшаб, тўртта пайғамбарга хизмат қилган: Довуд, Мусо, Исо ва Муҳаммад алайҳиссаломларга: 4 Муқаддас Китобни ўрганиб чиққан: Инжил, Таврот, Забур ва Қуръон, бир вақтнинг ўзида шу диний китобларни пайғамбарлардан — пайғамбарларга берувчиси бўлган. Муҳаммад пайғамбарнинг туғилиши пайтида ҳозир бўлган ва ул зотга саҳобалик қилган. Унинг бўйи 10 метрдан иборат бўлган. Ҳаёт даврида 2 та хотини ва 8 нафар фарзанди бўлган. Унинг қабрини зиёрат қилиш Маккани 7 марта зиёратига тенгдир».

Ҳожи Каҳбул Ахборнинг келиб чиқиш таърифи Рабғузийнинг «Қиссаси Рабғузий» асарида, ҳамда замонамиз тадқиқотчилари С. Ҳусенов ва Ражабовларнинг «Чор Бакр» китобида келтирилган.

Ҳожи Каҳбул Ахборнинг қабри 1917 йилгача зиёратгоҳ жойи бўлган, кейин эса қаровсиз ҳолга ташлаб қўйилиб, яқин ўтмишда ҳам хароба аҳволида бўлган.

Ўзбекистонда Ҳожи Каҳбул Ахбор қабри тўғрисидаги илк маълумотлар 1990 йилда пайдо бўлди. Шу йили бир савобталаб инсон Маккада зиёратда бўлиб, юқорида номи зикр этилган «Манақиби Ҳожи Каҳбул Ахбор вали» китобини олиб келган ва китоб тожик тилига таржима қилинган. Ўзбек тилига эса уни журналист Муҳиба Сайид Ҳасан қизи ўгирган. Ҳалиги биродаримиз китобда қабрнинг жойи аниқ кўрсатилганлиги учун Когонга келиб қабрини зиёрат қилади, қаровсиз қолган қабрни қайта тиклайди ва унинг ёнида масжид қуради.

Рассом: Фирдавс Файзуллоҳ

Қабр устида қўйилган тошнинг узунлиги 14 метр, эни эса 2 метр 20 см.

Маҳаллий аҳолининг берган маълумотларига қараганда, тахминан 1982 йилда украиналик археологлар ушбу қабрни қисман очганлар ва тахминан бўйи 10 метр бўлган одамнинг суякларини топганлар.

Кўрганлар айтишдики, бир қовурға суягининг узунлиги 70-80 см бўлган. Бундан ташқари қабрда 4 та китоб ва кичкина кўзача топилган.

Китобларнинг кейинги тақдири маълум эмас, балки улар ҳанузгача ўша қабрдадир. Тахминларга қараганда, бу 4 та китоб муқаддас китоблар бўлиб чиқиши мумкин.

Ушбу маълумотлар рост бўлса, ҳар бир кишини ҳайратга солиши мумкин: бўйи, эни катта бўлган одам қаердан бу ерга келиб қолган? Манбаларни ўқиб, маълумотлар йиға бошлаганимдан кейин бир савол менга тинчлик бермайди: бу қабрда ётган савлатли зот ахборотларни етказиб келган **«атлантлар»** авлодига мансуб эмасмикан? Балки Ўзбекистон ҳудудининг бошқа жойларида ҳам шундай инсонларнинг қабрлари бордир? Балки Ўзбекистонда ҳам мия, фикр қувватини идора қилиб билган одамлар бўлганмикан? Валитарош Нажмиддин Кубро бунга мисол эмасми?

Улар илмий жиҳатдан чуқур ўрганилиб, тахминлар илмий асосланганида эди, инсоннинг пайдо бўлиши, ривожланиши жараёни тупроғимизда ҳам кечганлиги яна бир карра ўз исботини топган бўларди.

Бунинг учун Ҳожи Каҳбул Ахборнинг қабрига археологлар, олимлар ва тадқиқотчилар диққат-эътиборини қаратишларини сўрар эдим.

Бугунги кунда юртбошимиз Ислом Каримовнинг ташаббуслари туфайли тарихий ёдгорлик ва обидаларга бўлган эътибор ошиб, кўпгина хайрли ишлар юзага чиқди.

Ўйлайманки, ҳазрати Ҳожи Каҳбул Ахборнинг қабрида ҳам шундай ўрганишлар ва тадқиқотлар қилинса мақсадга мувофиқ бўлар эди...

Марат ШАРИПОВ

ОХИРГИ СЎЗ

Ҳакка кетди, қарға қўнди

Milliy Tiklanish
Муассис: Миллий тикланиш демократик партияси

Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАФУРОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Ўткир ҲОШИМОВ, Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ, Шарифа САЛИМОВА, Ойдин ҲОЖИЕВА, Мунира ҚОРИЕВА, Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Гуландом БОҚИЕВА, Дилором МАТКАРИМОВА (Бош муҳаррир ўринбосари)

Газета 00136-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г — 128.
Сотувда нархи эркин.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Саҳифаловчи: Р.Исмаилова
Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди.
Босишга топшириш вақти 20.00
Адади: 2081 нусха

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси — 30 уй.
Телефон 144-81-28.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Навбатчи — Музаффар АБДУШУКУРОВ

Босишга топширилди 19.30